

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

СУВОНОВА НИГОРАБОНУ

НИЗОМИДДИНОВНА

**ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА
ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**(“CEFR” - умумэътироф этилган халқаро
меъёрларга асосланган)**

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

САМАРҚАНД -2015

Ушбу услубий тавсиянома хорижий тил ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда асосан хорижий тилларни ўрганишни CEFR талаблари асосида баҳолаш мезонлари хусусида фикр юритилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитишга ихтисослашган амалий ва назарий фанлар бўйича рейтинг тизимига мослашган назорат шаклларининг намуналари тавсия этилади.

Мазкур тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”*ги ПҚ-1875-сон қарори (2012 йил 10 декабр), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган *“Асосий ўрганилаётган тил”* фани бўйича намунавий ўқув дастурлари (2013 йил 28.08, 2012 йил 14.03), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг *“Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги НИЗОМ”* (2014 й. 5.07), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34 - сон буйруғи билан тасдиқланган *“Мустақил таълим ва мустақил ишлар, курс лойиҳалари (ишлари) бўйича намунавий низом”*га ҳамда *“Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА”*га (СамДЧТИ 2014 й. 5.07) асосан ишлаб чиқилган.

Масъул муҳаррир:

Ашуров Ш.С. – СамДЧТИ “Инглиз тили ўқитиш методикаси ва тарихи” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Юлдошев М. – Самарқанд давлат университети
“Роман – герман тиллари” кафедраси доценти, ф.ф.н.
Кўчибоев А. – СамДЧТИ “Француз тили ва адабиёти”
кафедраси доценти, п.ф.н.

“Хорижий тилни ўқитишда талабалар билимини баҳолаш мезонлари” номли услубий тавсиянома Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқув-услубий кенгашида муҳокама этилган ва фойдаланиш учун нашрга тавсия қилинган.

(2015 йил “___” мартдаги - сон баённома).

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш.....	4
ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ.....	5
ЖОРИЙ НАЗОРАТНИНГ КУНЛИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	6
<i>АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ.(1- курс)</i>	11
<i>АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ.(2- курс).....</i>	14
<i>АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ. (3- курс).....</i>	20
<i>АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ. (4- курс).....</i>	26
<i>ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (2- курс).....</i>	30
<i>ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (3- курс).....</i>	33
<i>ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (4- курс).....</i>	38
<i>ЧЕТ ТИЛИ (ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ) (1- курс).....</i>	42
<i>АСОСИЙ ЧЕТ ТИЛИ (ЛИНГВИСТИКА) (1- 2 курс).....</i>	45
<i>АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ (ЛИНГВИСТИКА) (1- 2 курс).....</i>	49
БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРА БОСҚИЧИДАГИ МУТАХАССИСЛИККА ОИД НАЗАРИЙ ФАНЛАРНИНГ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ.....	52
ЭСЛАТМАЛАР	59
Маъруза ўқиладиган фанларнинг баҳолаш мезонлари бўйича иловалар	60
Амалий фанларни баҳолаш мезонлари бўйича иловалар	64
Фанлар бўйича оралиқ назорат карточкалари.....	73
Фанлар бўйича якуний назорат карточкалари.....	79
Фойдаланилган адабиётлар	87

К И Р И Ш

Фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишда давр синовларидан ўтган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларни эътиборга олган ҳолда уларнинг жорий этилишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили саналади. Амалдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳам ана шу ислохотлар натижасида юзага келди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги *“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги **ПҚ-1875**-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида *“Олий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар дастури”* ишлаб чиқилган бўлиб, унда чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Европа Кенгашининг *“Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш”* тўғрисидаги ҳужжатида тил эгаллашга қўйиладиган талаблар ва мезонлар эътиборга олинган ҳолда Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўрганишнинг ягона мақсад ва вазифалари белгиланиб, чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйиладиган Давлат таълим стандарти талаблари ишлаб чиқилган экан, олий таълим муассасаларида талабаларнинг чет тилини эгаллаш даражалари бўйича назорат намуналари йиғиндисини ўзида акс эттирган мазкур услубий тавсиянома муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мазкур услубий тавсияномани ишлаб чиқишда Европа Кенгашининг *“Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш”* тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – *Common European Framework of Reference*) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш тўғрисидаги низом талаблари эътиборга олинган ва улардаги талаблар ўзаро бир-бири билан мувофиқлаштирилган.

Ушбу услубий тавсияномада чет тилининг касбий йўналиш доирасидаги оғзаки ва ёзма шаклларини ўргатиш, уларнинг ижтимоий-маданий мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан ўрганилаётган чет тилининг функционал шакллари ва услубларини, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, услубий тавсияноманинг асосий мақсади умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўрганилаётган чет тилини етарли даражада эгаллашлари учун зарурий билимларни интеграллашган тарзда ўргатиш ва мулоқот малакаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Бундан ташқари, ушбу услубий тавсияномада чет тилини ўргатишга мўлжалланган фанлар бўйича талабалар билимини баҳолашда рейтинг тизими асосидаги назорат турларидан оралик ва якуний назорат турлари учун қай тарзда назорат саволлари мажмуини тузиш ва уларни қабул қилиш жараёнида нималарга эътибор қилиш лозимлиги, қолаверса, ҳар бир фан ва ҳар бир назорат тури учун ажратилган саволларнинг талабалар томонидан бериладиган тегишли жавобларини баҳолаш мезонлари батафсил ишлаб чиқилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади ва ушбу усулдаги баҳолаш мезонлари 2012 йилдан буён СамДЧТИ Француз тили ва адабиёти кафедрасида муаллиф раҳбарлигида кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича тўлиқ амалда синаб кўрилган ҳолда камчиликлари тўлдирилган ва янада такомиллаштирилган. Ушбу баҳолаш мезонларидан амалда самарали тарзда фойдаланган кафедра профессор-ўқитувчилари унинг анча қўлай ва талабалар билимини оптимал баҳолашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган ҳолда унга ижобий баҳо берадилар.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Фан бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва якуний назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

- **оралиқ назорат** – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралик назоратнинг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- **якуний назорат** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “оғзаки” шаклида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Я.Н.-30 балл, қолган 70 балл эса - ЖНга 40 балл, ОНга 30 балл қилиб тақсимланади.

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
100-86	Аъло	<i>Хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, олган билимларини амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.</i>
85-71	Яхши	<i>мустақил мушоҳада юрита олиш, олган билимларини амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.</i>
70-55	Қониқарли	<i>моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.</i>
54-0	Қонқарсиз	<i>Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик.</i>

(Изоҳ: Талабанинг ўқув фани бўйича мустақил ишига умумий баллнинг 20 балини ажратиш тавсия этилади. Бу 20 балл ЖНга киритилади.)

ЖОРИЙ НАЗОРАТНИНГ КУНЛИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Кунлик баҳолаш мезони талабанинг ҳар кунлик жорий назорат балларини аниқлашга ёрдам беради. **Жорий назорат** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули саналади. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кунлик амалий машғулотлар давомида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Талаба ҳар кунлик машғулотга қатнашиш орқали **ЖОРИЙ НАЗОРАТ** балларини тўплаб боради. **ЖОРИЙ НАЗОРАТ** бир неча мавзулар ўтилгандан

сўнг умумий тарзда бир кунга белгилаб олиниши мумкин эмас. Талаба ҳар кунлик ўтиладиган мавзунинг ўзлаштиришига қараб фан учун ажратилган кунлик максимал баллдан ўзининг машғулотдаги фаоллигига кўра ўзига ажратилган улуш орқали балл тўплаб боради. Маърузали тарзда ўқитиладиган фанларнинг фақат семинар ва амалий машғулотларида талаба кунлик жавоб берган ҳолда жорий назорат балларини тўплаб боради. Шунинг учун ҳам жорий назорат баллари амалий ва семинар машғулотларини ўтадиган ўқитувчи томонидан қўйилади.

Талаба амалий машғулотда ҳеч қандай тайёргарликсиз тингловчи сифатида иштирок этганлиги учун ҳам маълум миқдорда балл қўйиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ бундай тарзда тўпланган баллар йиғиндиси жорий назоратга ажратилган 40 баллнинг 55 фоизини ташкил этмайди, балки, талаба ҳар кунлик жорий машғулотларга 100 фоиз шу тарзда қатнашган ҳолда жорий назоратга ажратилган 40 баллнинг 10-15 фоизини тўплаши мумкин, холос.

Қуйидаги кунлик баҳолаш мезони талабанинг ЖОРИЙ НАЗОРАТ балларини оптимал тарзда тўғри қўйишга ёрдам беради. Кунлик баҳолаш мезонидан фақат ўқитувчининг шахсий журналида талабанинг кунлик рейтингини белгилаб бориш учун фойдаланилади. Рейтинг кўрсаткичларини қайд қиладиган бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларда (гуруҳ журнали, кафедранинг рейтинг журнали ва қайдномаларда) эса ушбу майда баллардан тўпланган умумий балл қайд этиб борилади. Бунда кунлик майда баллардан тўпланган умумий натижа албатта, умумлаштирилган ҳолда ёзилади. Масалан, талаба ҳар кунлик жорий машғулотлар йиғиндисидан, яъни 20 максимал баллдан 18,2 балл тўплаган бўлса, у ҳолда 18 балл, ёки 18,7 балл тўплаган бўлса 19 балл тарзида ёзилади. Яъни 0,5 гача бўлса тўпланган баллнинг ўзи ёзилади, 0,5дан зиёд бўлса, тўпланган баллга бир балл қўшиб ёзилади.

Қуйидаги жадвалда фанга ажратилган ҳар қандай соатдан келиб чиққан кунлик баҳолаш мезони тавсия этилади. Бунда 1та жорий назорат учун максимал 20 балл ажратилган. Яъни, ушбу жадвалда 1та жорий назорат неча соат миқдорини ёки неча дарс сонини ўз ичига олса, унинг 20 баллга нисбатан кунлик улуши ишлаб чиқилган. Бундай баллар тизимини ҳар қандай фанга нисбатан қўллаш мумкин.

Ажратилган амалий соат :	Дарслар сони:	Ажратилган балл : Амал.+ Муст.	Кунлик белгиланган балл :	Дарсга келмаган талаба учун:	0-54% учун:	55-70% учун:	71-85% учун:	86-100% учун:
4 соат	2 та дарс	20 балл	10 балл	0 балл	1,0-5,4 балл	5,5*-7,0 балл	7,1-8,5 балл	8,6-10 балл
6 соат	3 та дарс	20 балл	6,7 балл	0 балл	10-3,6 балл	3,7-4,6 балл	4,7-5,7 балл	5,8-6,7 балл
8 соат	4та дарс	20 балл	5,0 балл	0 балл	1,0 -2,7 балл	2,8-3,5 балл	3,6-4,2 балл	4,3-5,0 балл

10 соат	5та дарс	20 балл	4,0 балл	0 балл	1,0 -2,1 балл	2,2-2,8 балл	2,9-3,4 балл	3,5-4,0 балл
12 соат	6 та дарс	20 балл	3,3 балл	0 балл	1,0-1,8 балл	1,9-2,3 балл	2,4-2,8 балл	2,9-3,3 балл
14 соат	7та дарс	20 балл	2,8 балл	0 балл	1,0 -1,5 балл	1,6-2,0 балл	2,1-2,4 балл	2,5-2,8 балл
16 соат	8 та дарс	20 балл	2,5 балл	0 балл	0,5-1,3 балл	1,4-1,7 балл	1,8-2,1 балл	2,2-2,5 балл
18 соат	9 та дарс	20 балл	2,1 балл	0 балл	0,5-1,2 балл	1,3-1,5 балл	1,6-1,9 балл	2,0-2,1 балл
20 соат	10 та дарс	20 балл	2,0 балл	0 балл	0,5-1,0 балл	1,1-1,4 балл	1,5-1,7 балл	1,8-2,0 балл
22 соат	11 та дарс	20 балл	1,8 балл	0 балл	0,5-0,9 балл	1,0-1,2 балл	1,3-1,5 балл	1,6-1,8 балл
24 соат	12 та дарс	20 балл	1,6 балл	0 балл	0,5-0,8 балл	0,9**- 1,1 балл	1,2-1,4 балл	1,5-1,6 балл
26 соат	13 та дарс	20 балл	1,5 балл	0 балл	0,5-0,7 балл	0,8-1,0 балл	1,1-1,3 балл	1,4-1,5 балл
28 соат	14 та дарс	20 балл	1,4 балл	0 балл	0,5-0,7 балл	0,8-0,9 балл	1,0**- 1,2 балл	1,3-1,4 балл
30 соат	15 та дарс	20 балл	1,3 балл	0 балл	0,4-0,6 балл	0,7-0,9 балл	1,0-1,1 балл	1,2-1,3 балл
32 соат	16 та дарс	20 балл	1,2 балл	0 балл	0,5-0,6 балл	0,7-0,8 балл	0,9-1,0 балл	1,1-1,2 балл
34 соат	17 та дарс	20 балл	1,2 балл	0 балл	0,5-0,6 балл	0,7-0,8 балл	0,9-1,0 балл	1,1-1,2 балл
36 соат	18 та дарс	20 балл	1,1 балл	0 балл	0,1-0,6 балл	0,7-0,8 балл	0,9 балл	1,0-1,1 балл
38 соат	19 та дарс	20 балл	1,0 балл	0 балл	0,1-0,5 балл	0,6-0,7 балл	0,8-0,9 балл	1,0 балл
40 соат	20та дарс	20 балл	1,0 балл	0 балл	0,1-0,5 балл	0,6-0,7 балл	0,8 балл	0,9-1,0 балл
42 соат	21та дарс	20 балл	1,0 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5-0,6 балл	0,7-0,8 балл	0,9-1,0 балл
44 соат	22 та дарс	20 балл	0,9 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5-0,6 балл	0,7-0,8 балл	0,9 балл
46 соат	23 та дарс	20 балл	0,8 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5-0,6 балл	0,7 балл	0,8 балл
48 соат	24 та дарс	20 балл	0,8 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5 балл	0,6-0,7 балл	0,8* балл
50 соат	25 та дарс	20 балл	0,8 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5 балл	0,6 балл	0,7-0,8 балл

52 соат	26 та дарс	20 балл	0,8 балл	0 балл	0,1-0,4 балл	0,5 балл	0,6 балл	0,7-0,8* балл
54 соат	27 та дарс	20 балл	0,7 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4**- 0,5 балл	0,6 балл	0,7 балл
56 соат	28 та дарс	20 балл	0,7 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4-0,5 балл	0,6 балл	0,7 балл
58 соат	29 та дарс	20 балл	0,7 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4- 0,5* балл	0,6* балл	0,7 балл
60 соат	30 та дарс	20 балл	0,6 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4 балл	0,5** балл	0,6 балл
62 соат	31 та дарс	20 балл	0,6 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4* балл	0,5** балл	0,6 балл
64 соат	32 та дарс	20 балл	0,6 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4* балл	0,5* балл	0,6* балл
66 соат	33 та дарс	20 балл	0,6 балл	0 балл	0,1-0,3 балл	0,4* балл	0,5* балл	0,6* балл
...								
102 соат	51 та дарс	20 балл	0,4 балл	0 балл	0,1 балл	0,2** балл	0,3 балл	0,4* балл
104 соат	52 та дарс	20 балл	0,4 балл	0 балл	0,1 балл	0,2** балл	0,3 балл	0,4* балл
106 соат	53 та дарс	20 балл	0,4* балл	0 балл	0,1 балл	0,2** балл	0,3 балл	0,4** балл
108 соат	54 та дарс	20 балл	0,4 балл	0 балл	0,1 балл	0,2 балл	0,3** балл	0,4* балл
110 соат	55 та дарс	20 балл	0,4 балл	0 балл	0,1 балл	0,2 балл	0,3** балл	0,4* балл

* - Семестр давомида (3-4 марта) кўрсатилган баллдан кам балл қўйилиши шарт. Акс ҳолда кунлик тўпланган балл йиғиндиси белгиланган умумий баллдан ошиб кетиши мумкин.

** - Семестр давомида (3-4 марта) кўрсатилган баллдан кўп балл қўйилиши шарт. Акс ҳолда кунлик тўпланган балл йиғиндиси белгиланган умумий баллга етмаслиги мумкин.

Жорий назорат балларининг НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЖН баллари		
		Макс.балл	ЖН-1	ЖН-2
1.	Талабанинг дарсдаги иштироки (ҳар кунлик), тинглаш кундалиги (дафтарларда вазифаларнинг бажарилиш ҳолати),	20	10	10

	интервью, турли ситуациялар, ролли ўйинлар, муҳокама каби жараёнлардаги иштироки, ўқилган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели / портфолио (нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдимиз ёки ёқмадимиз, нима учун) кабилар бўйича баҳолаш. Аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари, оғзаки савол-жавоблар, коллоквиум ва бошқа назорат турлари натижалари бўйича.			
2.	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўзлаштириш даражаси*.	20	10	10
	Жами ЖН баллари :	40	20	20

(Изоҳ: Талабанинг ўқув фани бўйича мустақил ишига умумий баллнинг 20 баллини ажратиш тавсия этилади. Бу 20 балл ЖНга киритилади.)

***МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

- Талабалар мустақил таълимини баҳолашнинг икки кўриниши мавжуд: **аудиторияда ва аудиториядан ташқарида.**
- Биринчи шаклда талаба берилган уйга вазифани қўшимча маълумотлар билан бойитган ҳолда мустақил тарзда ҳар кунлик амалий машғулотларда бажариб келганлиги орқали мустақил таълим баллини ҳам тўплаб боради.
- Иккинчи шаклда мустақил таълим аудиториядан ташқари, яъни амалий машғулотлар вақтида эмас, балки алоҳида белгиланган соатларда қабул қилинади.
- Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади.
- Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намоиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ баллининг умумий баҳолаш технологияси

Назорат турлари	Максимал балл	“0-54 %”	“55-70 %”	“71-85 %”	“86-100 %”
Жорий назорат -1	20 балл	0-10 балл	11-14 балл	15-17 балл	18-20 балл
Жорий назорат- 2	20 балл	0-10 балл	11-14 балл	15-17 балл	18-20 балл

АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ (1-КУРС)

Ушбу курсда асосий ўрганилаётган тил сифатида ўқитилаётган чет тили икки хил аспект асосида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Булар *Тил кўникмалари интеграцияси* ҳамда *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* аспектларидир. Шунга кўра ушбу фан бўйича оралиқ ва якуний назорат турлари ушбу аспектлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади. Шунга асосан, унинг оралиқ ва якуний назорат шакллари қуйидагича бўлиши мумкин.



ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назоратни қабул қилишда “*Асосий ўрганилаётган тил*” фани бўйича 1-курс талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-2 семестрлар учун:

1 - топшириқ. *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* аспекти бўйича: **Видео ёки аудио тасмаларда ёзилган материаллар орқали эшитиб (кўриб) тушуниш кўникмаларини баҳолаш.** Тинглаб ва кўриб тушуниш кўникмаларини синаш мақсадида қабул қилинадиган бу топшириқ ўтилган мавзулар бўйича (*менинг оилам, менинг иш куним, таржимаи ҳолим, ҳордиқ, харид* ва бошқа мавзуларда) матнлар(видео-роликлар)ни видео ёки аудио тасмалар орқали эшиттириш ва тушунган маълумотларни ёзма баён этиш талаб этилади. Бунда танланган видео материалнинг давомийлиги 5-6 дақиқа бўлиши лозим. (*Ушбу топшириқ талабаларга ялпи тарзда ёки индивидуал тарзда намоён этирилиши мумкин.*)

2 - топшириқ. *Тил кўникмалари интеграцияси* аспекти бўйича: **Тинглаш учун тест ёки матнга асосланган вазифалардан иборат турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш.** Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда кўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 1-2 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* аспекти бўйича: **Талабаларнинг диктант орқали ёзиш ёки кичик матнлар орқали ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш.** Ушбу топшириқ кичик ҳажмдаги диктант ёки

кичик ҳажмдаги матн орқали қабул қилинади. Бунинг учун семестр давомида ўтилган фонетик, лексик ва грамматик маълумотлар базасига асосланган кичик ҳажмдаги диктант танлаб олинади ва у назоратни қабул қилиш вақтида бир марта интонация билан ўқиб берилади. Шундан сўнг диктант таркибидаги сўзлар бирма-бир айтиб туриб ёздирилади.

Бундан ташқари, ушбу аспект бўйича ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш мақсадида маълум бир матн (*кичик ҳикоя парчаси, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари* ва ҳоказолар) ҳар бир талабага индивидуал тарзда тақдим этилади ва 1) матннинг асосий ғояси, 2) матндаги таянч сўзлар, 3) матндан қандай маълумотларни билиш мумкинлигини ёзма баён этишни талаб қилиш орқали ҳам қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, маълум бир соддароқ мавзуларда эссе ёздирish орқали ҳам талабаларнинг ёзма компетенциясини баҳолаш мумкин. Бироқ, бундай шартни 1-семестрда қўллаш тавсия этилмайди.

Ушбу 3- топшириқ учун юқорида келтирилган 3 хил вазифа, яъни диктант, матнни ўқиб тушуниш ва эссе ёзиш шартларидан фақат биттаси танлаб олинади. Шу билан бирга, ушбу шартларни семестр бўйича алмаштирган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни бир 1-семестрда диктант орқали қабул қилинса, 2-семестрда эса эссе ёздирish орқали қабул қилиш самаралироқдир.

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб (кўриб) тушуниш кўникмаларини баҳолаш. (<i>Илова-4</i>)	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларни тинглаш учун тест ёки матнга асосланган вазифалардан иборат турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар бўйича билим савиясини баҳолаш. (20та тест, ҳар бир тест учун 0,5 балл)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларни кичик ҳажмдаги диктант, маълум бир нотаниш матн орқали ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш ёки эссе ёздирish орқали ёзиш компетенциясини баҳолаш.	10 балл
4.	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл

3.	3-топширик	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл



ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (ўқиб) тушуниш, оғзаки мулоқот, ўқиш ва монолог*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда якуний назорат оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Якуний назорат турини қабул қилишда «*Асосий ўрганилаётган тил*» фани бўйича **1-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-2 семестрлар учун:

1 - топширик. *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* аспекти бўйича: **Кундалик ҳаётга тааллуқли бўлган мавзуларда тўғри ва аниқ талаффузда гапира олиш кўникмаси бўйича баҳолаш.** Бунда ўтилган оғзаки нутқ мавзуларидан фақат биттаси якуний назорат пайтида сўралади. Бироқ семестр давомида ўтилган мавзулар руйхати олдиндан тузилиши ва ушбу руйхат талабалар эътиборига якуний назоратга тайёргарлик учун бир ҳафта олдин ҳавола этилиши лозим.

2 - топширик. *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* аспекти бўйича: **Талабанинг турли жанрдаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва унга нисбатан муносабат билдириш кўникмасини баҳолаш.** Бунда талабаларнинг берилган турли жанрдаги, яъни ҳикоялар, эълонлар, реклама матнлари ва шу каби она тилидаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва ўқилган матнга нисбатан турли хил стратегияларда, яъни 1) матннинг асосий ғояси, 2) унда келтирилган асосий маълумотлар ва 3) матнга нисбатан шахсий ва психологик муносабат билдириш каби қобилияти баҳоланади. Ушбу топширик тўғридан-тўғри берилган нотаниш матн асосида қабул қилинади. Бироқ матнни танлашда унинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра белгиланиши лозим.

3 - топширик. *Тил кўникмалари интеграцияси* аспекти бўйича: **Маълум бир воқеа-ҳодисани кўриб тушуниш ва уни хорижий тилда сўзлаб бериш малакасини баҳолаш.** Ушбу топширик видео орқали намоиш этилган маълум бир сюжет ва унда кўриб тушунган маълумотларни чет тилида сўзлаб бериш қобилиятини синаш орқали қабул қилинади.

Шунингдек, ўқиган бадиий адабиётнинг ўрганилаётган чет тилида қисқача мазмунини ҳикоя қилиб, унга нисбатан шахсий муносабатларини ва ундан олган таассуротларини чет тилида билдириш қобилияти бўйича баҳолаш ҳам мумкин. Бунда барчага маълум ва машҳур асарлар (4-5та асар, ҳикоя ёки эртақлар) руйхати тузилади. Ушбу топширик олдиндан берилган асарлар руйхати бўйича кўрилган тайёргарлик асосида қабул қилинади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабанинг оғзаки нутқ, яъни тинглаш ва гапириш қобилиятини синаш мақсадида унинг маълум бир мавзуда мулоқотга эркин кириша олиш, мулоқотни самарали давом эттириш ва тугаллаш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова-3)</i>	10 балл
2.	2 – топшириқ. Талабанинг турли жанрдаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва ўқилган матнга нисбатан турли хил стратегияларда, яъни 1) матннинг асосий ғояси, 2) унда келтирилган асосий маълумотлар ва 3) матнга нисбатан психологик муносабат билдириш каби қобилияти баҳолаш. <i>(Илова-3)</i>	10 балл
3.	3 - топшириқ. Ўқиган бадиий адабиётнинг ўрганилаётган чет тилида қисқача мазмунини ҳикоя қилиб, унга нисбатан шахсий муносабатларни ва ундан олган таассуротларини чет тилида билдириш қобилияти бўйича баҳолаш (ёки видео орқали маълум бир сюжет намойиш этилади ва уни кўриб тушунган маълумотларни чет тилида сўзлаб бериш қобилияти бўйича баҳолаш). <i>(Илова-3)</i>	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	“0-54 %”	“55-70 %”	“71-85 %”	“86-100 %”
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ (2-КУРС)

Ушбу курсда асосий ўрганилаётган тил сифатида ўқитилаётган чет тили маълум бир аспектлар асосида ўқитилади. Булар *Тил кўникмалари интеграцияси, Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси, Ўқиш ва ёзиш амалиёти* кабилар. Шунга кўра ушбу фан бўйича оралиқ ва якуний назорат турлари ушбу аспектлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Қуйидаги назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (қўриб, ўқиб) тушуниш, ўқиш ва ёзиш*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “*Асосий ўрганилаётган тил*” фани бўйича **2-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ:

3-семестр учун:

1 - топшириқ. “Тил кўникмалари интеграцияси” бўйича: **Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш.** Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 2-3 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

2 - топшириқ. “Тил кўникмалари интеграцияси” бўйича: **Маълум бир фильм мазмунини ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш.** Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намоиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 6-8 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: **Маълум бир расмий ҳужжатни ёза олиш малакасини баҳолаш.** Бунда бирор бир расмий ҳужжатни (*ишга кириш ва ишдан бўшаиш тўғрисида ариза, эътироз хати, таржимаи ҳол, тавсифнома ва тавсиянома* кабилар) ёзиш шarti ҳар бир талаба учун индивидуал тарзда маълум бир ситуацион вазиятлар орқали амалга оширилади. Яъни семестр давомида ўтилган расмий ҳужжатлар руйхати олдиндан тузилади ва ушбу руйхат талабаларга тайёргарлик учун олдиндан тақдим этилади. Шунингдек, ҳар бир билетда турлича ситуацион вазиятлар, масалан, *Сиз тарихий музейга экскурсавод сифатида ишга кирмоқчисиз, музей директорига ариза ёзинг*, каби ҳолатлар орқали баён этилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир билетда бир-бирига ўхшамаган вазиятлар акс этиши шарт.

4 - топширик. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси”
 бўйича: Семестр давомида ўтилган турли лингвистик маълумотларни
тўрт хил тил кўникмаси (тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш) асосида
ўқитишга қатарилган тест саволлари орқали баҳолаш. Бунда талабанинг
 танланган маълум бир лингвистик мавзу доирасидаги билим савияси ва уни
 тил кўникмаларининг бирор бир тури орқали ўқитиш малакаси бир неча тест
 саволлари орқали синаб кўрилади. Яъни ушбу топширик орқали сўралаётган
 бирор бир фонетик, грамматик ёки лексик мавзу бўйича талабанинг ўзи
 нималарни қай даражада билишини ва уни бошқаларга ўргатиш методлари
 қандайлигини аниқлаш мумкин. Масалан, талабанинг матнни ўқиб тушуниш
 қобилиятини синаш маълум бир нотаниш матн асосида тузилган тестларни
 бажартириш орқали амалга оширилади ва ўзи амалда бажарган тил
 кўникмасини бошқаларда қандай шакллантириш методларини билиш
 қобилияти ҳам тест саволлари орқали аниқланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу
 топширик учун белгиланган тест саволларининг ярми талабанинг лингвистик
 билим доирасини аниқлашга, қолган ярми эса ўзи билган лингвистик
 маълумотни ўқитиш методикасини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топширик. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (14 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	7 балл
2.	2 - топширик. Талабаларнинг фикрни ёзма баён этиш бўйича малакаларини баҳолаш. (Илова 1)	8 балл
3.	3 - топширик. Талабаларнинг расмий ҳужжатларни ёзиш малакасини баҳолаш. (Илова 1)	8 балл
4.	4-топширик. Талабаларнинг чет тили бўйича билим савияси ва уни ўқитиш методикасини баҳолаш (14та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	7 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топширик	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
2.	2-топширик	8 балл	0-3 балл	5-4 балл	6 балл	8-7 балл
3.	3-топширик	8 балл	0-3 балл	5-4 балл	6 балл	8-7 балл
4.	4-топширик	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
	Жами:	30 балл	16-0 балл	17-21 балл	22-25 балл	30-26 балл

4-семестр учун:

1 - топшириқ. “*Тил кўникмалари интеграцияси*” бўйича: Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш. (3-семестрдаги оралиқ назорат саволларининг 1-топшириғига қаранг)

2 - топшириқ. “*Ўқиш ва ёзиш амалиёти*” бўйича: Маълум бир фильм мазмунини ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш. (3-семестрдаги оралиқ назорат саволларининг 2-топшириғига қаранг)

3 - топшириқ. “*Ўқиш ва ёзиш амалиёти*” бўйича: Маълум бир мавзуда эссе ёза олиш малакасини баҳолаш. Бунда талабанинг бирор бир мунозарали мавзу юзасидан шахсий фикр билдириш кўникмаси баҳоланади. Бунинг учун ҳар бир талабага мушоҳада қилиш мумкин бўлган бирор бир мавзу берилади ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш, фактларни асослаш ва таҳлил қилиш каби шартлар қўйилади. Талабаларнинг ёзма компетенциясини баҳолашда албатта, уларнинг чет тилини билиш савиясидан келиб чиққан ҳолда ундаги сўзлар миқдори билетда кўрсатилиши лозим. Бироқ *Асосий ўрганилаётган тил* фанидан оралиқ назоратнинг бир вақтда қабул қилинишини ва ундаги топшириқлар сонини инобатга олган ҳолда эссе таркибидаги сўзлар сонини маълум даражада қисқартириб, яъни 150-180 сўздан иборат эссе ёздириш ҳам мақсадга мувофиқ. Иншо мавзуларининг руйхати умумий тарзда 4-5 тадан кам бўлмаган ҳолда олдиндан талабалар эътиборига ҳавола қилиниши лозим. Бунда талабаларга қайси мавзулар доирасида тайёрланиши мумкин бўлган умумий йўналиш берилади.

4 - топшириқ. “*Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси*” бўйича: Семестр давомида ўтилган турли лингвистик маълумотларни тўрт хил тил кўникмаси (тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш) асосида ўқитишга қатарилган тест саволлари орқали баҳолаш. (3-семестрдаги оралиқ назорат саволларининг 4-топшириғига қаранг)

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (14 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	7 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушунган маълумотларни ёзма баён этиш бўйича малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 1)</i>	8 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг берилган мунозарали мавзу юзасидан эссе ёзиш малакасини баҳолаш. <i>(Илова 1)</i>	8 балл

4.	4-топширик. Талабаларнинг чет тили бўйича билим савияси ва уни ўқитиш методикасини баҳолаш (14та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	7 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топширик	7 балл	7-6 балл	5 балл	4 балл	3-0 балл
2	2-топширик	8 балл	8-7 балл	6 балл	5-4 балл	3-0 балл
3.	3-топширик	8 балл	8-7 балл	6 балл	5-4 балл	3-0 балл
4.	4-топширик	7 балл	7-6 балл	5 балл	4 балл	3-0 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда «Асосий ўрганилаётган тил» фани бўйича **2-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу назорат шаклида топшириқлар тўлиқ оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.

3-4 семестрлар учун:

1 - топширик. “Тил кўникмалари интеграцияси” бўйича: **Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабаларга тинглаш учун матн эшиттирилади ва тушунган тушунчалари оғзаки тарзда сўралади. Эшитиш учун танланган материал дарс жараёнида ўрганилмаган нотаниш аудио материал бўлиши шарт. Бироқ ундаги лексик ва грамматик база талабаларнинг билим даражасига мос тарзда танланиши лозим.

2 - топширик. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: **Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради. Шунингдек, ушбу топширик талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу топширик 3-семестрда монолог, 4-семестрда эса диалог тарзда қабул

қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига 3-4 кун олдин тақдим этилиши лозим.

3 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: Бадиий матн парчасини лингвистик нуқтаи назардан оғзаки тарзда таҳлил қили олиш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади ва шундан сўнг ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилиш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

4 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” бўйича: Талабаларнинг ўзи билган маълумотлар базасини бошқаларга ўргатиш қобилиятини баҳолаш. Бунда берилган маълум бир мавзунинг ўргатиш методларининг стратегик лойиҳасини тушунтириш талаб қилинади. Бунинг учун топшириқ икки қисмдан иборат шаклда қабул қилинади. Яъни биринчидан, берилган мавзунинг асосий жиҳатлари нималардан иборат ва иккинчидан, уларни қандай стратегик методлар орқали ўргатиш мумкинлиги сўралади. Масалан, француз тили грамматикасидаги *замонлар мослашуви* ҳодисасининг бўлажак француз тили мутахассислари билиши лозим бўлган қандай жиҳатлари мавжуд ва уларни қандай методлар, яъни тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларининг қай бири орқали ўқитиш самарали эканлиги борасидаги лойиҳа тингланади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини уларни оғзаки нутқи орқали баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат юзасидан мулоқотга киришиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
3.	3 - топшириқ Талабаларнинг матн таҳлили бўйича лингвистик билим ва малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 7)</i>	7 балл
4.	4 - топшириқ. Талабаларнинг ўрганилаётган чет тилидаги маълумотлар базасини ва уни ўқитиш стратегиясидаги қобилиятини баҳолаш.	7 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топшириқ	8 балл	8-7 балл	6 балл	5-4 балл	3-0 балл
2.	2-топшириқ	8 балл	8-7 балл	6 балл	5-4 балл	3-0 балл
3.	3-топшириқ	7 балл	6-7 балл	5 балл	4 балл	3-0 балл
4.	4-топшириқ	7 балл	6-7 балл	5 балл	4 балл	3-0 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	16-0 балл

АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ (3-КУРС)

Ушбу курсда асосий ўрганилаётган тил сифатида ўқитилаётган чет тили маълум бир аспектлар асосида ўқитилади. Булар *Тил кўникмалари интеграцияси, Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси, Ўқиш ва ёзиш амалиёти ва Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш* каби аспектлардир. Шунга кўра ушбу фан бўйича оралиқ ва якуний назорат турлари ушбу аспектлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Қуйидаги назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (кўриб, ўқиб) тушуниш, ўқиш ва ёзиш*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “*Асосий ўрганилаётган тил*” фани бўйича **3-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

5 - семестр учун:

1 - топшириқ. “*Тил кўникмалари интеграцияси*” бўйича: **Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тўзилган тестлар орқали баҳолаш.** Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 3-4 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

2 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” аспекти бўйича: Маълум бир фильм мазмуни ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш. Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 6-8 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” аспекти бўйича: Талабаларнинг семестр давомида ўтилган турли маданий маълумотларни билиш ва уларни ўргатиш малакаларини баҳолаш. Бунда талабанинг танланган маълум бир маданий мавзу доирасидаги билим савияси ва уни қиёсий таҳлил, яъни икки халқ маданиятиро ўргатиш малакаси баҳоланади. Хусусан, ушбу топшириқ орқали сўралаётган бирор бир маданий ва маърифий мавзу бўйича талабанинг ўзи нималарни қай даражада билишини ва уни бошқаларга ўргатиш методлари қандайлигини аниқлаш мумкин.

4 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” аспекти бўйича: Семестр давомида ўтилган турли лингвистик маълумотларни тўрт хил тил кўникмаси (тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш) асосида ўқитишга қаратилган тест саволлари орқали баҳолаш.

(Оралиқ назоратнинг 3-семестридаги 4-топшириққа қаранг)

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (14 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	7 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушуниш бўйича фикрни ёзма баён этиш малакаларини баҳолаш. (Илова 1)	8 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини баҳолаш.	8 балл
4.	4-топшириқ. Талабаларнинг чет тили бўйича билим савияси ва уни ўқитиш методикасини баҳолаш (14та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	7 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
	2-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
3.	3-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
4.	4-топшириқ	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
	Жами:	30 балл	16-0 балл	17-21 балл	22-25 балл	30-26 балл

6-семестр учун:

1 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: Маълум бир фильм мазмуни ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш. (Оралиқ назоратнинг 5-семестридаги 2-топшириққа қаранг)

2 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: Маълум бир мавзуда эссе ёза олиш малакасини баҳолаш. Бунда талабанинг бирор бир мунозарали мавзу юзасидан шахсий фикр билдириш кўникмаси баҳоланади. Бунинг учун ҳар бир талабага мушоҳада қилиш мумкин бўлган бирор бир мавзу берилади ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш, фактларни асослаш ва таҳлил қилиш каби шартлар қўйилади. Талабаларнинг ёзма компетенциясини баҳолашда албатта, уларнинг чет тилини билиш савиясидан келиб чиққан ҳолда ундаги сўзлар миқдори билетда кўрсатилиши лозим. Бироқ *Асосий ўрганилаётган тил* фанидан оралиқ назоратнинг бир вақтда қабул қилинишини ва ундаги топшириқлар сонини инобатга олган ҳолда эссе таркибидаги сўзлар сонини маълум даражада қисқартириб, яъни 200-250 сўздан иборат эссе ёздириш ҳам мақсадга мувофиқ. Иншо мавзуларининг руйхати умумий тарзда 4-5 тадан кам бўлмаган ҳолда олдиндан талабалар эътиборига ҳавола қилиниши лозим. Бунда талабаларга қайси мавзулар доирасида тайёрланиши мумкин бўлган умумий йўналиш берилади.

3 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” бўйича: Семестр давомида ўтилган турли лингвистик маълумотларни тўрт хил тил кўникмаси (тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш) асосида ўқитишга қаратилган тест саволлари орқали баҳолаш.

(Оралиқ назоратнинг 3-семестридаги 4-топшириққа қаранг)

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушунган маълумотларни ёзма баён этиш бўйича малакаларини баҳолаш. (Илова 4)	10 балл

2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг берилган мунозарали мавзу юзасидан эссе ёзиш малакасини баҳолаш. (Илова 4)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг чет тили бўйича билим савияси ва уни ўқитиш методикасини баҳолаш (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда «Асосий ўрганилаётган тил» фани бўйича **3-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу назорат шаклида топшириқлар тўлиқ оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.

5 - семестр учун:

1 - топшириқ. “Тил кўникмалари интеграцияси” бўйича: **Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабаларга тинглаш учун матн эшиттирилади ва тушунган тушунчалари оғзаки тарзда сўралади. Эшитиш учун танланган материал дарс жараёнида ўрганилмаган нотаниш аудио материал бўлиши шарт. Бироқ ундаги лексик ва грамматик база талабаларнинг билим даражасига мос тарзда танланиши лозим.

2 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: **Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради. Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу топшириқ 3-семестрда монолог, 4-семестрда эса диалог тарзда қабул

қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига 3-4 кун олдин тақдим этилиши лозим.

3 - топшириқ. “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” аспекти бўйича: **Талабаларнинг семестр давомида ўтилган турли маданий маълумотларни билиш ва уларни ўргатиш малакаларини баҳолаш.** Бунда талабанинг танланган маълум бир маданий мавзу доирасидаги билим савияси ва уни қиёсий таҳлил, яъни икки халқ маданиятиаро ўргатиш малакаси баҳоланади. Хусусан, ушбу топшириқ орқали сўралаётган бирор бир маданий ва маърифий мавзу бўйича талабанинг ўзи нималарни қай даражада билишини ва уни бошқаларга ўргатиш методлари қандайлигини аниқлаш лозимлиги инобатга олинади.

Бунда берилган маълум бир мавзунинг ўргатиш методларининг стратегик лойиҳасини тушунтириш талаб қилинади. Бунинг учун топшириқ икки қисмдан иборат шаклда қабул қилинади. Яъни биринчидан, берилган мавзунинг асосий жиҳатлари нималардан иборат ва иккинчидан, уларни қандай стратегик методлар орқали ўргатиш мумкинлиги сўралади.

4 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” бўйича: **Талабаларнинг ўзи билган маълумотлар базасини бошқаларга ўргатиш қобилиятини баҳолаш.**

(Якуний назоратнинг 3-семестридаги 4-топшириққа қаранг)

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Тинглаб тушуниш ва уни оғзаки баён этиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
2.	2 - топшириқ Диалог / монолог тарзда гапириш малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
3.	3 - топшириқ. Маданиятлараро мулоқот савиясини баҳолаш	7 балл
4.	4 - топшириқ Талабаларнинг ўрганилаётган чет тилидаги маълумотлар базасини ва уни ўқитиш стратегиясидаги қобилиятини баҳолаш.	7 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

6 - семестр учун:

1 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича: **Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш.**

(Якуний назоратнинг 5-семестридаги 2-топшириққа қаранг)

2 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” бўйича : Бадиий матн парчасини лингвистик нуқтаи назардан оғзаки тарзда таҳлил қила олиш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади ва шундан сўнг ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилиш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” бўйича: Талабаларнинг ўзи билган маълумотлар базасини бошқаларга ўргатиш қобилиятини баҳолаш.

(Якуний назоратнинг 5-семестридаги 4-топшириққа қаранг)

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат юзасидан мулоқотга киришиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг матн таҳлили бўйича лингвистик билим ва малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 6)</i>	10 балл
3.	3 - топшириқ Талабаларнинг ўрганилаётган чет тилидаги маълумотлар базасини ва уни ўқитиш стратегиясидаги қобилиятини баҳолаш.	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
4.	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

АСОСИЙ ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ (4-КУРС)

Ушбу курсда асосий ўрганилаётган тил сифатида ўқитилаётган чет тили фани фақат *Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси* ва *Ўқиш ва ёзиш амалиёти* номли аспектлар асосида ўқитилади. Шунга кўра ушбу фан бўйича оралик ва якуний назорат турлари ушбу аспектлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Қуйидаги назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг *“Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (кўриб, ўқиб) тушуниш, ўқиш ва ёзиш* компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралик назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралик назорат турини қабул қилишда *“Асосий ўрганилаётган тил”* фани бўйича **4-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

7 – 8 семестрлар учун:

1 - топшириқ. *“Ўқиш ва ёзиш амалиёти”* аспекти бўйича: **Маълум бир фильм мазмуни ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш.** Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Бунинг учун оралик назорат давомида талабаларга нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши лозим. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 8-10 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

2 - топшириқ. *“Ўқиш ва ёзиш амалиёти”* аспекти бўйича: **Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш.** Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралик назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 4-5 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. *“Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси”* аспекти бўйича: **Талабаларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш.** Бунда оралик назорат давомида талабаларга маълум бир нотаниш матн

берилади ва у асосида тузилган тест саволларига матнни ўқиб тушунган маълумотлари бўйича тўғри жавобни белгилаш талаб этилади.

4 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” аспекти бўйича: Семестр давомида ўтилган турли лингвистик маълумотларни тўрт хил тил кўникмаси (тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш) асосида ўқитишга қаратилган саволлар орқали баҳолаш. Бунда талабанинг танланган маълум бир лингвистик мавзу доирасидаги билим савияси ва уни тил кўникмаларининг бирор бир тури орқали ўқитиш малакаси амалий саволлар орқали баҳоланади. Яъни ушбу топшириқ сўралаётган бирор бир фонетик, грамматик ёки лексик мавзу бўйича талабанинг ўзи нималарни қай даражада билишини ва уни бошқаларга ўргатиш методлари қандайлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Ушбу топшириқ учун белгиланган шартнинг бир қисми талабанинг лингвистик билим доирасини аниқлашга, қолган ярми эса ўзи билган лингвистик маълумотни ўқитиш методикасини баҳолашга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушуниш бўйича фикрни ёзма баён этиш малакаларини баҳолаш. (Илова 1)	8 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (14 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	7 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. (14 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	7 балл
4.	4-топшириқ. Талабаларнинг чет тили бўйича билим савияси ва уни ўқитиш методикасини баҳолаш	8 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
	2-топшириқ	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
3.	3-топшириқ	7 балл	0-3 балл	4 балл	5 балл	6-7 балл
4.	4-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
	Жами:	30 балл	16-0 балл	17-21 балл	22-25 балл	30-26 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда «*Асосий ўрганилаётган тил*» фани бўйича **4-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу назорат шаклида топшириқлар тўлиқ оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.

7-8 семестрлар учун:

1 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” аспекти бўйича: **Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабаларга тинглаш учун матн эшиттирилади ва тушунган тушунчалари оғзаки тарзда сўралади. Эшитиш учун танланган материал дарс жараёнида ўрганилмаган нотаниш аудио материал бўлиши шарт. Бироқ ундаги лексик ва грамматик база талабаларнинг билим даражасига мос тарзда танланиши лозим.

Бунинг учун фан ўқитувчиси томонидан 1 дақиқалик 5-6 хил аудио материал олдиндан тайёрлаб қўйилади. Якуний назоратнинг оғзаки тарзда қабул қилинадиган ушбу топшириғи талабаларни бирма-бир якка тарзда сўраш орқали қабул қилинади. Яъни маълум бир танланган аудио материал талабага бир марта (ёки икки марта) қўйиб эшиттирилади ва тушунчани оғзаки баён этиш талаб қилинади.

Ушбу аспект бўйича бошқа турдаги топшириқлар орқали ҳам талабалар билимини баҳолаш мумкин. Масалан, уларнинг ўқиб тушуниш малакасини оғзаки тарзда синаб кўриш, яъни матн мантикийлигини ўқиб тушунган ҳолда тўлдириш шarti шулар жумласидандир. Бунда назорат жараёнида маълум бир нотаниш матн талабага тақдим этилади. Ушбу нотаниш матн 100-150 сўздан иборат бўлиб, ундаги 8-12 тача сўз тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда нўқталар ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт.

2 - топшириқ. “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” аспекти бўйича: **Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради. Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу топшириқ 7-семестрда монолог, 8-семестрда эса диалог тарзда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига 3-4 кун олдин тақдим этилиши лозим.

3 - топшириқ. “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” аспекти бўйича: Бадиий матн парчасини лингвистик нуқтаи назардан оғзаки тарзда таҳлил қила олиш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади ва ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилдириш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат юзасидан мулоқотга киришиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
3.	3 - топшириқ Талабаларнинг матн таҳлили бўйича лингвистик билим ва малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 6)</i>	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	100- 86 %	85 - 71 %	70 - 55%	54- 0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
4.	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

Якуний назорат турлари учун ажратилган 30 баллнинг тақсимланиши топшириқлар савияси ва сонига кўра турлича бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фан ўқитувчисининг ўзи назорат учун ажратилган 30 баллдан ҳар бир топшириққа белгиланган улушнинг “0-54 %”, “55-70 %”, “71-85 %” ва “86-100 %” кесимидаги баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши шарт.

ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (2-КУРС)

◆ О Р А Л И Қ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Оралик назорат турини қабул қилишда “*Иккинчи чет тили*” фани бўйича 2-курс талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

3-4 семестрлар учун:

1 - топшириқ. *Видео ёки аудио тасмаларда ёзилган материаллар орқали эшитиб (кўриб) тушуниш кўникмаларини баҳолаш.* Тинглаб ва кўриб тушуниш кўникмаларини синаш мақсадида қабул қилинадиган бу топшириқ ўтилган мавзулар бўйича (*менинг оилам, менинг иш куним, таржимаи ҳолим, ҳордиқ, харид* ва бошқа мавзуларда) матнлар(видео-роликлар)ни видео ёки аудио тасмалар орқали эшиттириш ва тушунган маълумотларни ёзма баён этиш талаб этилади. Бунда танланган видео материалнинг давомийлиги 4-5 дақиқа бўлиши лозим. (*Ушбу топшириқ талабаларга ялпи тарзда ёки индивидуал тарзда намоён этирилиши мумкин.*)

2 - топшириқ. *Тинглаш учун тест ёки матнга асосланган вазифалардан иборат турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш.* Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралик назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 1-1,5 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. *Талабаларнинг диктант орқали ёзиш ёки кичик матнлар орқали ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш.* Ушбу топшириқ кичик ҳажмдаги диктант ёки кичик ҳажмдаги матн орқали қабул қилинади. Бунинг учун семестр давомида ўтилган фонетик, лексик ва грамматик маълумотлар базасига асосланган кичик ҳажмдаги диктант танлаб олинади ва у назоратни қабул қилиш вақтида бир марта интонация билан ўқиб берилади. Шундан сўнг диктант таркибидаги сўзлар бирма-бир айтиб туриб ёздирилади.

Бундан ташқари, ушбу аспект бўйича ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш мақсадида маълум бир матн (*кичик ҳикоя парчаси, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари* ва ҳоказолар) ҳар бир талабага индивидуал тарзда тақдим этилади ва 1) матннинг асосий ғояси, 2) матндаги таянч сўзлар, 3) матндан қандай маълумотларни билиш мумкинлигини ёзма баён этишни талаб қилиш орқали ҳам қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, маълум бир соддароқ мавзуларда эссе ёздириш орқали ҳам талабаларнинг ёзма компетенциясини баҳолаш мумкин. Бироқ, бундай шартни 1-семестрда қўллаш тавсия этилмайди.

Ушбу 3- топшириқ учун юқорида келтирилган 3 хил вазифа, яъни диктант, матнни ўқиб тушуниш ва эссе ёзиш шартларидан фақат биттаси танлаб олинади. Шу билан бирга, ушбу шартларни семестр бўйича алмаштирган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни бир 3-семестрда диктант орқали қабул қилинса, 4-семестрда эса эссе ёздириш орқали қабул қилиш самаралироқдир.

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб (кўриб) тушуниш кўникмаларини баҳолаш. <i>(Илова-4)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларни тинглаш учун тест ёки матнга асосланган вазифалардан иборат турли методлардан фойдаланиб тузилган тестлар бўйича билим савиясини баҳолаш. (20та тест, ҳар бир тест учун 0,5 балл)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларни кичик ҳажмдаги диктант, маълум бир нотаниш матн орқали ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш ёки эссе ёздириш орқали ёзиш компетенциясини баҳолаш.	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (ўқиб) тушуниш, оғзаки мулоқот, ўқиш ва монолог*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда якуний назорат оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Якуний назорат турини қабул қилишда “*Иккинчи чет тили*” фани бўйича **2-курс** талабалари куйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

3-4 семестрлар учун:

1 – топшириқ **Кундалик ҳаётга тааллуқли бўлган мавзуларда тўғри ва аниқ талаффузда гапира олиш кўникмаси бўйича баҳолаш.** Бунда ўтилган оғзаки нутқ мавзуларидан фақат биттаси якуний назорат пайтида сўралади. Бироқ семестр давомида ўтилган мавзулар руйхати олдиндан тузилиши ва ушбу руйхат талабалар эътиборига якуний назоратга тайёргарлик учун бир ҳафта олдин ҳавола этилиши лозим.

2 - топшириқ. **Талабанинг турли жанрдаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва унга нисбатан муносабат билдириш кўникмасини баҳолаш.** Бунда талабаларнинг берилган турли жанрдаги, яъни ҳикоялар, эълонлар, реклама матнлари ва шу каби она тилидаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва ўқилган матнга нисбатан турли хил стратегияларда, яъни 1) матннинг асосий ғояси, 2) унда келтирилган асосий маълумотлар ва 3) матнга нисбатан шахсий ва психологик муносабат билдириш каби қобилияти баҳоланади. Ушбу топшириқ тўғридан-тўғри берилган нотаниш матн асосида қабул қилинади. Бироқ матнни танлашда унинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра белгиланиши лозим.

3 - топшириқ. **Маълум бир воқеа-ҳодисани кўриб тушуниш ва уни хорижий тилда сўзлаб бериш малакасини баҳолаш.** Ушбу топшириқ видео орқали намоёниш этилган маълум бир сюжет ва унда кўриб тушунган маълумотларни чет тилида сўзлаб бериш қобилиятини синаш орқали қабул қилинади.

Шунингдек, ўқиган бадиий адабиётнинг ўрганилаётган чет тилида қисқача мазмунини ҳикоя қилиб, унга нисбатан шахсий муносабатларини ва ундан олган таассуротларини чет тилида билдириш қобилияти бўйича баҳолаш ҳам мумкин. Бунда барчага маълум ва машҳур асарлар (4-5та асар, ҳикоя ёки эртаклар) руйхати тузилади. Ушбу топшириқ олдиндан берилган асарлар руйхати бўйича кўрилган тайёргарлик асосида қабул қилинади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабанинг оғзаки нутқ, яъни тинглаш ва гапириш қобилиятини синаш мақсадида унинг маълум бир мавзуда мулоқотга эркин кириша олиш, мулоқотни самарали давом	10 балл

	эттириш ва тугаллаш қобилиятини баҳолаш. (Илова-3)	
2.	2 – топшириқ. Талабанинг турли жанрдаги нотаниш матнларни ўқиб, мазмунини чет тилида гапириб бериш ва ўқилган матнга нисбатан турли хил стратегияларда, яъни 1) матннинг асосий ғояси, 2) унда келтирилган асосий маълумотлар ва 3) матнга нисбатан психологик муносабат билдириш каби қобилияти баҳолаш. (Илова-3)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Ўқиган бадиий адабиётнинг ўрганилаётган чет тилида қисқача мазмунини ҳикоя қилиб, унга нисбатан шахсий муносабатларни ва ундан олган таассуротларини чет тилида билдириш қобилияти бўйича баҳолаш (ёки видео орқали маълум бир сюжет намойиш этилади ва уни кўриб тушунган маълумотларни чет тилида сўзлаб бериш қобилияти бўйича баҳолаш). (Илова-3)	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шакли	Максимал балл	“0-54 %”	“55-70 %”	“71-85 %”	“86-100 %”
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (3-КУРС)

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “*Иккинчи чет тили*” фани бўйича **3-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади. Бунда талабалар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: тинглаб (кўриб, ўқиб) тушуниш, ўқиш ва ёзиш*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “*Иккинчи чет тили*” фани бўйича **3-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ:

5-семестр учун:

1 - топшириқ. Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш. Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 1,5-2 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

2 - топшириқ. Маълум бир фильм мазмунини ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш. Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 5-6 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. Маълум бир мазмундаги хатларни ёза олиш малакасини баҳолаш. Бунда хатни (дўстига, дугонасига, ота-онасига, оила аъзоларига, қариндошига ёки устозига ёзилган хатларни) ёзиш шарти ҳар бир талаба учун индивидуал тарзда маълум бир ситуацион вазиятлар орқали амалга оширилади. Яъни дўстона мазмунда ёзиладиган хатлар руйхати олдиндан тузилади ва ушбу руйхат талабаларга тайёргарлик учун олдиндан тақдим этилади. Шунингдек, ҳар бир билетда турлича ситуацион вазиятлар, масалан, *Сиз узоқ шаҳарда таҳсил олаяпсиз, оила-аъзоларингизга хат ёзинг*, каби ҳолатлар орқали баён этилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир билетда бир-бирига ўхшамаган турли вазиятлар акс этиши шарт.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушунган воқеаларни ёзма баён этиш компетенциясини баҳолаш. (Илова 4)	10 балл

3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг мустақил фикрлаш орқали ёзиш компетенциясини баҳолаш. <i>(Илова 4)</i>	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	16-0 балл	17-21 балл	22-25 балл	30-26 балл

6-семестр учун:

1 - топшириқ. Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш. (5-семестрдаги оралиқ назорат саволларининг 1-топшириғига қаранг)

2 - топшириқ. Матнни ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. Бунда талабаларга маълум бир нотаниш матн тақдим этилади. Талабалар матнни ўқиб тушуниш қобилияти орқали матн асосида тузилган тест саволларига тўғри жавобларни белгилайдилар. Матннинг қийинчилик даражаси ва ҳажми талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. Маълум бир мавзуда эссе ёза олиш малакасини баҳолаш. Бунда талабанинг бирор бир мунозарали мавзу юзасидан шахсий фикр билдириш кўникмаси баҳоланади. Бунинг учун ҳар бир талабага мушоҳада қилиш мумкин бўлган бирор бир мавзу берилади ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш, фактларни асослаш ва таҳлил қилиш каби шартлар қўйилади. Талабаларнинг ёзиш компетенциясини баҳолашда албатта, уларнинг чет тилини билиш савиясидан келиб чиққан ҳолда ундаги сўзлар миқдори билетда кўрсатилиши лозим. Бироқ оралиқ назоратнинг бошқа топшириқлари ҳам ёзма тарзда бир вақтда қабул қилинишини инобатга олган ҳолда эссе таркибидаги сўзлар сонини маълум даражада қисқартириб, яъни 200-250 сўздан иборат эссе ёздириш ҳам мақсадга мувофиқ. Иншо мавзуларининг руйхати умумий тарзда 4-5 тадан кам бўлмаган ҳолда олдиндан талабалар эътиборига ҳавола қилиниши лозим. Бунда талабаларга қайси мавзулар доирасида тайёрланиши мумкин бўлган умумий йўналиш берилади.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг берилган мунозарали мавзу юзасидан эссе ёзиш малакасини баҳолаш. (Илова 4)	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	1-16 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда «Иккинчи чет тили» фани бўйича **3-курс** талабалари куйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу назорат шаклида топшириқлар тўлиқ оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.

5-6 семестрлар учун:

1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб (ёки ўқиб) тушуниш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабаларга тинглаш учун матн эшиттирилади ва тушунган тушунчалари оғзаки тарзда сўралади. Эшитиш учун танланган материал дарс жараёнида ўрганилмаган нотаниш аудио материал бўлиши шарт. Бироқ ундаги лексик ва грамматик база талабаларнинг билим даражасига мос тарзда танланиши лозим.

Бунинг учун фан ўқитувчиси томонидан 1 дақиқалик 5-6 хил аудио материал олдиндан тайёрлаб қўйилади. Якуний назоратнинг оғзаки тарзда қабул қилинадиган ушбу топшириғи талабаларни бирма-бир якка тарзда сўраш орқали қабул қилинади. Яъни маълум бир танланган аудио материал талабага бир марта (ёки икки марта) қўйиб эшиттирилади ва тушунчани оғзаки баён этиш талаб қилинади.

Ушбу аспект бўйича бошқа турдаги топшириқлар орқали ҳам талабалар билимини баҳолаш мумкин. Масалан, уларнинг ўқиб тушуниш малакасини оғзаки тарзда синаб кўриш, яъни матн мантиқийлигини ўқиб тушунган ҳолда тўлдириш шарти шулар жумласидандир. Бунда назорат жараёнида маълум бир нотаниш матн талабага тақдим этилади. Ушбу нотаниш матн 100-150 сўздан иборат бўлиб, ундаги 8-12 тача сўз тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда **нўқталар** ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт. Матннинг қийинчилик даражаси ва ҳажми талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мақсадга мувофиқдир. (Агар талабалар курснинг бир семестрида тинглаб тушуниш, иккинчи бир семестрида эса ўқиб тушуниш компетенцияси орқали баҳоланса яхши самара беради.)

2 - топшириқ. Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради. Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу топшириқ 3-семестрда монолог, 4-семестрда эса диалог тарзда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига 1 ҳафта олдин тақдим этилиши лозим.

3 - топшириқ. Бадиий матн парчасини лингвистик нуқтаи назардан оғзаки тарзда таҳлил қила олиш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади ва шундан сўнг ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилиш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини уларнинг оғзаки нутқини тинглаш орқали баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат юзасидан мулоқотга киришиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг матн таҳлили бўйича лингвистик билим ва малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 5)</i>	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	26-30 балл	22-25 балл	17-21 балл	16-0 балл

Якуний назорат турлари учун ажратилган 30 баллнинг тақсимланиши топшириқлар савияси ва сонига кўра турлича бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фан ўқитувчисининг ўзи назорат учун ажратилган 30 баллдан ҳар бир топшириққа белгиланган улушнинг “0-54 %”, “55-70 %”, “71-85 %” ва “86-100 %” кесимидаги баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши шарт.

ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ (4 – КУРС)

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Қуйидаги назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: **тинглаб (кўриб, ўқиб) тушуниш, ўқиш ва ёзиш** компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “Иккинчи чет тили” фани бўйича 4-курс талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

7 – 8 семестрлар учун:

1 - топшириқ. Маълум бир фильм мазмунини ёки тафсилотини ёзма баён этиш малакасини баҳолаш. Бунда бирор бир бадий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Бунинг учун оралиқ назорат давомида талабаларга нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши лозим. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 6-8 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

2 - топшириқ. Тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар орқали баҳолаш. Бунда талабаларга тақдим этиладиган ҳар қандай тест албатта, тинглаб тушунишга асосланган бўлиши лозим, яъни оралиқ назорат давомида талабалар учун нотаниш аудио материал 2-3 марта кетма-кет тарзда қўйиб эшиттирилади. Ҳар бир эшиттириш оралиғи 1 дақиқа бўлиши мақсадга мувофиқ. Негаки, талабалар ҳар бир эшиттиришдан сўнг олган маълумотлари асосида тест саволларини белгилаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун танланган аудио материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мумкин. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 3-4 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. Талабаларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. Бунда оралиқ назорат давомида талабаларга маълум бир нотаниш матн берилади ва у асосида тузилган тест саволларига матнни ўқиб тушунган маълумотлари бўйича тўғри жавобни белгилаш талаб этилади.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг кўриб тушуниш бўйича фикрни ёзма баён этиш малакаларини баҳолаш. (Илова 4)	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини тинглаш учун тестлар орқали баҳолаш. (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. (20 та тест саволи - ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	0-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда «*Иккинчи чет тили*» фани бўйича **4-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу назорат шаклида топшириқлар тўлиқ оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинади.

7-8 семестрлар учун:

1 - топшириқ. **Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш.** Бунда талабаларга тинглаш учун матн эшиттирилади ва тушунган тушунчалари оғзаки тарзда сўралади. Эшитиш учун танланган материал дарс жараёнида ўрганилмаган нотаниш аудио материал бўлиши шарт. Бироқ ундаги лексик ва грамматик база талабаларнинг билим даражасига мос тарзда танланиши лозим.

Бунинг учун фан ўқитувчиси томонидан 1 дақиқалик 5-6 хил аудио материал олдиндан тайёрлаб қўйилади. Якуний назоратнинг оғзаки тарзда қабул қилинадиган ушбу топшириғи талабаларни бирма-бир якка тарзда сўраш орқали қабул қилинади. Яъни маълум бир танланган аудио материал талабага бир марта (ёки икки марта) қўйиб эшиттирилади ва тушунгани оғзаки баён этиш талаб қилинади.

Ушбу аспект бўйича бошқа турдаги топшириқлар орқали ҳам талабалар билимини баҳолаш мумкин. Масалан, уларнинг ўқиб тушуниш малакасини оғзаки тарзда синаб кўриш, яъни матн мантиқийлигини ўқиб тушунган ҳолда тўлдириш шарти шулар жумласидандир. Бунда назорат жараёнида маълум бир нотаниш матн талабага тақдим этилади. Ушбу нотаниш матн 100-120 сўздан иборат бўлиб, ундаги 6-10 тача сўз тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда нўқталар ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт.

2 - топшириқ. Талабаларнинг маълум бир оғзаки мавзу бўйича диалог ёки монолог тарзда сўзлаш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради. Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу топшириқ 7-семестрда монолог, 8-семестрда эса диалог тарзда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига 3-4 кун олдин тақдим этилиши лозим.

3 - топшириқ. Бадиий матн парчасини лингвистик нуқтаи назардан оғзаки тарзда таҳлил қила олиш қобилиятини баҳолаш. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади (4-5 дақиқа) ва ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилдириш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат юзасидан мулоқотга киришиш қобилиятини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
3.	3 - топшириқ Талабаларнинг матн таҳлили бўйича лингвистик билим ва малакаларини баҳолаш. <i>(Илова 5)</i>	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	100- 86 %	85 - 71 %	70 - 55%	54- 0 %
1.	1-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-1 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-1 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-1 балл

4.	Жами:	30 балл	30-26 балл	25-22 балл	21-17 балл	16-0 балл
----	--------------	--------------------	-----------------------	-----------------------	-----------------------	----------------------

Якуний назорат турлари учун ажратилган 30 баллнинг тақсимланиши топишириқлар савияси ва сонига кўра турлича бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фан ўқитувчисининг ўзи назорат учун ажратилган 30 баллдан ҳар бир топшириққа белгиланган улушнинг “0-54 %”, “55-70 %”, “71-85 %” ва “86-100 %” кесимидаги баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши шарт.

ЧЕТ ТИЛИ (ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ) (1-3 КУРС)

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялардан: **тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш** компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда “Чет тили (тил аспекти амалиёти)” фани бўйича 1-курс талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-6 семестрлар учун:

1 - топшириқ. Талабаларнинг грамматика бўйича билим ва кўникмаларини тинглаб тушуниш компетенцияси орқали баҳолаш. Ушбу топшириқ грамматик кўникма ва малакаларга йўналтирилган тинглаш учун тестлар орқали қабул қилинади. Бунда ўтилган грамматик мавзулар асосида аудио материал танланади. (Чунки ўтилмаган грамматик мавзу аудио материални тўлиқ тушунишда қийинчилик туғдиради.) Танланган аудио материал асосида грамматик қоидаларга қаратилган саволлар тузилади. Саволлар тест шаклида ҳам тузилиши мумкин. Бунда саволлар аудио матннинг мазмунини тинглаб тушунишга эмас, балки ундаги грамматик ҳодисаларнинг қўлланилишига йўналтирилган бўлиши лозим. Саволлар ёки тест саволлари талабаларга тарқатилгандан сўнг аудио материал талабаларга ялпи тарзда кетма – кет 2-3 марта эшиттирилади ва жавобларни ёзиб чиқиш ёки тестнинг тўғри жавобини белгилаш учун талабаларга маълум вақт берилади.

Бундан ташқари, ушбу топшириқ маълум бир грамматик машқларни бажартириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

2 - топшириқ. Талабаларнинг лексика бўйича билим ва кўникмаларини тинглаб тушуниш компетенцияси орқали баҳолаш. Ушбу топшириқ лексик кўникма ва малакаларга йўналтирилган тинглаш учун тестлар орқали қабул қилинади. Бунда ўтилган лексик мавзулар асосида

аудио материал танланади. (Чунки ўтилмаган лексик мавзу аудио материални тўлиқ тушунишда қийинчилик туғдиради.) Танланган аудио материал асосида лексик қоидаларга қаратилган саволлар тузилади. Саволлар тест шаклида ҳам тузилиши мумкин. Бунда саволлар аудио матннинг мазмунини тинглаб тушунишга эмас, балки ундаги лексик ҳодисаларнинг қўлланилишига йўналтирилган бўлиши лозим. Саволлар ёки тест саволлари талабаларга тарқатилгандан сўнг аудио материал талабаларга ялпи тарзда кетма – кет 2-3 марта эшиттирилади ва жавобларни ёзиб чиқиш ёки тестнинг тўғри жавобини белгилаш учун талабаларга маълум вақт берилади.

Бундан ташқари, ушбу топшириқ маълум бир лексик машқларни бажартириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

3 - топшириқ. Матн ўстида ишлаш орқали талабаларнинг лексик-грамматик кўникмаларини баҳолаш. Бунда кичик ҳажмдаги матнни таржима қилиш ҳамда уни ўтилган лексик ва грамматик қоидалар асосида таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун албатта, ўтилган грамматик ва лексик материаллар доирасидаги нотаниш матнчалар танланиши шарт. Матнлар содда эртак ва ҳикоялардан олинган парчалар бўлиши мақсадга мувофиқ.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмалари орқали грамматик билимларини баҳолаш. (20 та савол / машқ ёки тест саволи . Ҳар бир савол 0,5 баллдан ҳисобланади)	10 балл
2.	2 - топшириқ. Талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмалари орқали лексик билимларини баҳолаш. (20 та савол / машқ ёки тест саволи. Ҳар бир савол 0,5 баллдан ҳисобланади)	10 балл
3.	3 - топшириқ. Талабаларни кичик ҳажмдаги матнни лексик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилишдаги билим ва кўникмаларини баҳолаш (<i>Илова- 5</i>)	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялардан: **тинглаб (ўқиб) тушуниш, оғзаки мулоқот, ўқиш ва монолог** компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда якуний назорат оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Якуний назорат туруни қабул қилишда «Чет тили (тил аспекти амалиёти)” фани бўйича **1-курс** талабалари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-6 семестрлар учун:

1 – топшириқ. Талабаларнинг грамматика бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш. Бунда талабадан маълум бир грамматик қонидани тушунтириб бериш ва уни амалда қўллай олиш талаб қилинади. Грамматик қонидани амалда қўллаш жараёни мустақил тарзда гаплар тузиш ва матн устида амалий ишлаш орқали амалга оширилади.

2 - топшириқ. Талабаларнинг лексика бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш. Бунда назорат жараёнида маълум бир нотаниш матн талабага тақдим этилади. Ушбу нотаниш матндаги 20 та сўз (*артикл, предлог* ва *боғловчилар* ҳам шулар жумласидан) тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда нўқталар ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт. Матннинг қийинчилик даражаси ва ҳажми талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мақсадга мувофиқдир.

3 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенцияси орқали талабаларнинг оғзаки мулоқот кўникмаларини баҳолаш. Бунинг учун газета ва журналлардаги мақолалардан олинган парчалар талабаларга тақдим этилади ва уни белгиланган маълум вақт мобайнида ўқиб тушунганини оғзаки сўзлаб бериши талаб қилинади. Бунда мақолани она тилидан ёки хорижий тилдан ўқиб, фақат хорижий тилда сўзлаш шарти қўйилиши мақсадга мувофиқ.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Талабаларнинг грамматика бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш. (<i>Илова -8</i>)	10 балл
2.	2 – топшириқ. Талабаларнинг лексика бўйича билим ва кўникмаларини матн мантикийлиги устида ишлаш орқали баҳолаш. (Ҳар бир тўғри топилгн лексик бирликка 0,5 баллдан: 0,5x20=10)	10 балл

3.	3 - топшириқ. Талабаларнинг ўқиб тушуниш малакаси орқали оғзаки нутқ кўникмаларини баҳолаш (<i>Илова -3</i>).	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

Якуний назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛ
БЎЙИЧА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАРНИНГ
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

АСОСИЙ ЧЕТ ТИЛИ (1-2 КУРС)

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида магистрантлар Европа Кенгашининг “*Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялардан: тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш*” компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда *Асосий чет тили* фани бўйича 1-2 курс магистрантлари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-3 семестрлар учун:

1 - топшириқ. “*Оғзаки нутқ*” аспекти бўйича: **Тинглаб тушуниш компетенциясини баҳолаш.** Бунинг учун аспект бўйича ўтилган мавзулар юзасидан тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар танлаб олинади. Бунда ўтилган маълум бир мавзу бўйича (оғзаки суҳбат мавзуларидан бири танланиши шарт) дискда ёзилган матн гуруҳга ёппасига 2-3 марта эшиттирилади ва у бўйича тузилган тест саволларига берилган вақт мобайнида тўғри жавобларни танлаш талаб қилинади, яъни тинглаб тушунган маълумотлари асосида тестни бажарадилар.

2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш.

“**Матн таҳлили**” аспекти бўйича: Дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар асосида тест. Бунда маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва улар бўйича тузилган тест саволларига тўғри жавобларни белгилаш талаб этилади. Шунингдек, тест саволларининг ярми матнни мазмун жиҳатдан тушуниш бўйича, қолган ярми эса лингвистик таҳлил нуқтаи назаридан бўлиши шарт.

3 - топшириқ. Ёзиш компетенциясини баҳолаш. Бунда фикрни ёзма баён этиш малакаларини баҳолаш мақсадида магистрантларга маълум бир мавзу берилади ва ушбу мавзу бўйича танқидий муносабат, психологик ёндашув каби талаблар асосида мавзунинг эссе тарзида ёзма баён этиш талаб этилади. Шунингдек, берилган мавзу ҳар бир магистрант учун алоҳида танланиши ва мавзулар бадиий, илмий, ижтимоий ёки бошқа турдаги мавзулар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу топшириқ маълум бир фильмни кўриб тушуниш ва уни ёзма тарзда ифодалаш шarti орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Бунинг учун оралиқ назорат давомида талабаларга нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши лозим. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 6-8 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу топшириқ, яъни фикрни ёзма баён этиш шarti навбат билан бир семестрда эссе ёздириш орқали, кейинги семестрда эса фильмни баён этириш орқали қабул қилиниши яхши самара беради.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Тинглаб тушуниш кўникмаларини баҳолаш. (20та тест саволи : ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
2.	2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. (20та тест саволи: ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
3.	3 - топшириқ. Ёзиш компетенциясини баҳолаш. (Илова-4)	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл



Я К У Н И Й НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида магистрантлар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: **тинглаб (ўқиб) тушуниш, оғзаки мулоқот, ўқиш ва монолог** компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда якуний назорат оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Якуний назорат турини қабул қилишда «Асосий чет тили (чет тили)” фани бўйича **1-2 курс** магистрантлари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-3 семестрлар учун:

1 - топшириқ. “Оғзаки нутқ ” аспекти бўйича: **Монолог тарзда гапириш компетенциясини баҳолаш.** Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради.

Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ушбу топшириқ бир семестрда монолог, бошқа семестрда эса диалог тарзда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига бир ҳафта олдин тақдим этилиши лозим.

2 - топшириқ. “Оғзаки нутқ ” аспекти бўйича: **Ўқиб тушуниш орқали фикрни оғзаки баён этиш компетенциясини баҳолаш.** Бунинг учун газета ва журналлардаги мақолалардан олинган парчалар талабаларга тақдим этилади ва уни белгиланган маълум вақт мобайнида ўқиб тушунганини оғзаки сўзлаб бериши талаб қилинади. Бунда мақолани она тилидан ёки хорижий тилдан ўқиб, фақат хорижий тилда сўзлаш шарти қўйилиши мақсадга мувофиқ.

3 - топшириқ. “Матн таҳлили” аспекти бўйича: Ўқиб тушуниш орқали матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш кўникмаларини баҳолаш. Ушбу топшириқ бадиий матнни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилдириш орқали қабул қилинади. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади (4-5 дақиқа) ва ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилиш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ушбу топшириқ матн мантикийлиги устида ишлаш шарти орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Назорат жараёнида талабага маълум бир нотаниш матн тақдим этилади. Ушбу нотаниш матндаги 20 та сўз (*артикл, предлог* ва *боғловчилар* ҳам шулар жумласидан) тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда нўқталар ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт. Матннинг қийинчилик даражаси ва ҳажми талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир семестрда юқорида келтирилган икки хил шарт, яъни матнни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва ўқиб тушунган ҳолда матн мантикийлигини тўлдириш шартларидан фақат биттаси фан ўқитувчиси томонидан танланади ва улар семестрлар бўйича алмаштирилса яхши самара беради.

4-топшириқ. Фикрни оғзаки баён этиш (илмий нуқтаи назардан) кўникмасини баҳолаш. Бунда магистрантлар ўзларининг магистрлик диссертациялари тўғрисида хорижий тилда сўзлаб бериши талаб қилинади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Монолог тарзда гапириш компетенциясини баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
2.	2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш ва фикрни оғзаки баён этиш компетенциясини баҳолаш. <i>(Илова 2)</i>	8 балл
3.	3 - топшириқ. Ўқиб тушуниш орқали матнни лингвистик таҳлил қилиш кўникмаларини баҳолаш. <i>(Илова 6)</i>	10 балл
4.	4 - топшириқ. Фикрни оғзаки баён этиш (илмий нуқтаи назардан) кўникмасини баҳолаш.	4 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
2.	2-топшириқ	8 балл	0-3 балл	4-5 балл	6 балл	7-8 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
4.	4-топшириқ	4 балл	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ (1-2 КУРС)



ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида магистрантлар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенцияларидан: **тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш** компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда оралиқ назорат ёзма тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Оралиқ назорат турини қабул қилишда *Амалий хорижий тил (иккинчи чет тили)* фани бўйича 1-2 курс магистрантлари қуйидаги назорат шаклларидадан фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-3 семестрлар учун:

1 - топшириқ. Тинглаб тушуниш компетенциясини баҳолаш.

Бунинг учун аспект бўйича ўтилган мавзулар юзасидан тинглаш учун тест ёки турли ситуациялардан фойдаланиб тузилган тестлар танлаб олинади. Бунда ўтилган маълум бир мавзу бўйича (оғзаки суҳбат мавзуларидан бири танланиши шарт) дискда ёзилган матн гуруҳга ёппасига 2-3 марта эшиттирилади ва у бўйича тузилган тест саволларига берилган вақт мобайнида тўғри жавобларни танлаш талаб қилинади, яъни тинглаб тушунган маълумотлари асосида тестни бажарадилар.

2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш.

Дарс жараёнида фойдаланилмаган матнлар асосида тест. Бунда маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва улар бўйича тузилган тест саволларига тўғри жавобларни белгилаш талаб этилади. Шунингдек, тест саволларининг ярми матнни мазмун жиҳатдан тушуниш бўйича, қолган ярми эса лингвистик таҳлил нуктаи назаридан бўлиши шарт.

3 - топшириқ. Ёзиш компетенциясини баҳолаш. Бунда фикрни ёзма баён этиш малакаларини баҳолаш мақсадида магистрантларга маълум бир мавзу берилади ва ушбу мавзу бўйича танқидий муносабат, психологик

ёндашув каби талаблар асосида мавзунини ёзма тарзда баён этиш талаб этилади. Шунингдек, берилган мавзу ҳар бир магистрант учун алоҳида танланиши ва мавзулар бадиий, илмий, ижтимоий ёки бошқа турдаги мавзулар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу топшириқ маълум бир фильмни кўриб тушуниш ва уни ёзма тарзда ифодалаш шартини орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Бунда бирор бир бадиий ёки ижтимоий-сиёсий фильмдан парча кўрсатилади ва унинг мазмунини ёзма баён этиш талаб қилинади. Бунинг учун оралиқ назорат давомида талабаларга нотаниш видео материал 2-3 марта кетма-кет тарзда намойиш этилади. Бунинг учун танланган видео материалнинг қийинчилик даражаси талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши лозим. Шунингдек, унинг давомийлиги ҳам 6-8 дақиқалик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу топшириқ, яъни фикрни ёзма баён этиш шартини навбат билан бир семестрда эссе ёздириш орқали, кейинги семестрда эса фильмни баён этириш орқали қабул қилиниши яхши самара беради.

№	Н а з о р а т к ў р с а т к и ч л а р и	ОН баллари
1.	1 - топшириқ. Тинглаб тушуниш кўникмаларини баҳолаш. (20та тест саволи- ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
2.	2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. (20та тест саволи- ҳар битта тест учун 0,5 балл).	10 балл
3.	3 - топшириқ . Ёзиш компетенциясини баҳолаш. (Илова-4)	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

ОРАЛИҚ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шартини	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

◆ Я К У Н И Й НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Ушбу назорат шаклида магистрантлар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялардан: **тинглаб (ўқиб) тушуниш, оғзаки**

мулоқот, ўқиш ва монолог компетенциялари бўйича баҳоланади. (Бунда якуний назорат оғзаки тарзда қабул қилиниши инобатга олинган.)

Якуний назорат турини қабул қилишда «*Амалий хорижий тил (иккинчи чет тили)*» фани бўйича **1-2 курс** магистрантлари қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади:

1-3 семестрлар учун:

1 - топшириқ. Монолог тарзда гапириш компетенциясини баҳолаш.

Бунда талабалар турли мавзуларда баҳс, мунозара, суҳбат ўтказиш, яъни дебат тарзида мулоқот қилдириш орқали баҳоланиши мумкин. Яъни иккита талаба белгиланган мавзу бўйича мунозара тарзида суҳбат қилади ва ўқитувчи уларни диққат билан тинглаган ҳолда 2та талабани ҳам бараварига баҳолаб боради.

Шунингдек, ушбу топшириқ талабага тўғридан-тўғри берилган оғзаки мавзу бўйича унинг 3 дақиқа давомида монолог тарзда гапириш қобилиятини баҳолаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ушбу топшириқ бир семестрда монолог, бошқа семестрда эса диалог тарзда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, диалог ёки монолог мавзулари руйхати талабалар эътиборига бир ҳафта олдин тақдим этилиши лозим.

2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенциясини баҳолаш. Бунда назорат жараёнида талабага маълум бир нотаниш матн тақдим этилади. Ушбу нотаниш матндаги 20 та сўз (*артикл, предлог* ва *боғловчилар* ҳам шулар жумласидан) тушириб қолдирилади ва улар ўрнига уч нўқта қўйиб чиқилади. Талаба ўқиб тушуниш қобилиятидан ва ўзининг лексик бойлигидан фойдаланган ҳолда **нўқталар** ўрнини тўлдириши, яъни матннинг мантиқан мазмунини тўлиқ очиб бериши талаб этилади. Бунинг учун тайёргарликка албатта, маълум вақт (2-3 дақиқа) берилиши шарт. Матннинг қийинчилик даражаси ва ҳажми талабаларнинг билим савиясига кўра танланиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ушбу топшириқ бадиий матнни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилдириш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин. Бунда талабага маълум бир бадиий матн парчаси берилади ва уни лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун талабага матн берилгандан сўнг ундаги лингвистик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш учун маълум бир вақт ажратилади (4-5 дақиқа) ва ушбу топшириқ лингвистик ҳодисаларни чет тилида оғзаки тушунтирган ҳолда таҳлил қилдириш орқали қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир семестрда юқорида келтирилган икки хил шарт, яъни ўқиб тушунган ҳолда матн мантиқийлигини тўлдириш ва матнни лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш шартларидан фақат биттаси фан ўқитувчиси томонидан танланади ва улар семестрлар бўйича алмаштирилса яхши самара беради.

3-топшириқ. Фикрни оғзаки баён этиш (илмий нуқтаи назардан) кўникмасини баҳолаш. Бунда магистрантлар ўзларининг магистрлик диссертациялари тўғрисида хорижий тилда сўзлаб бериши талаб этилади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	ЯН баллари
1.	1 - топшириқ. Монолог / диалог тарзда гапириш компетенциясини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
2.	2 - топшириқ. Ўқиб тушуниш компетенцияси орқали матнни ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш.	10 балл
3.	4 - топшириқ. Фикрни оғзаки баён этиш (илмий нуқтаи назардан) кўникмасини баҳолаш. <i>(Илова 3)</i>	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ назорат топшириқларини баҳолаш технологияси:

№	Баҳолаш шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	0-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРА БОСҚИЧИДАГИ МУТАХАССИСЛИККА ОИД НАЗАРИЙ ФАНЛАРНИНГ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

◆ ОРАЛИҚ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Хорижий тил бўйича ўқитиладиган назарий фанлар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Филология ва тилларни ўқитиш йўналиши бўйича:

- Мамлакатшунослик
- Ўзбекистон тарихий обидалари (танлов фан)
- Чет тили тарихи
- Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти

- *Асосий ўрганилаётган тил ўқитиш методикаси ва замонавий технологиялар.*
- *Француз тилида ёзма мулоқот (танлов фан)*
- *Ўрганилаётган тил назарий фонетикаси*
- *Оммавий ахборот воситалари (танлов фан)*
- *Стилистика ва матн таҳлили*
- *Чет тилини ўқитишнинг коммуникатив методлари (танлов фан)*
- *Қиёсий типология*
- *Лексикология*
- *Ўрганилаётган тил назарий грамматикаси ва бошқалар.*

2. Лингвистика мутахассислиги бўйича:

- *Когнитив лингвистика*
- *Матн прагматикаси (танлов фан)*
- *Матн лингвистикаси*
- *Матннинг стилистик таҳлили (танлов фан)*
- *Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ва бошқалар.*

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ шаклида талаба ва магистрантларнинг ўтилган мавзулар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назарда билим даражаси синаб кўрилиши шарт. Бунинг учун қуйида оралиқ назоратни қабул қилишнинг 3 хил варианты тақдим этилади, шунингдек, учала вариантда ҳам оралиқ назоратнинг ёзма шаклда қабул қилиниши инобатга олинган :

- **1-вариантда** топшириқлар сони 2тадан иборат бўлади. Бунда 2та назарий савол қўйилади, бироқ амалий шарти ҳар бир саволнинг ичида алоҳида сўралади.
- **2-вариантда** топшириқлар сони 3тадан иборат бўлади. Бунда 2та назарий савол ва алоҳида 1та амалий топшириқ қўйилади.
- **3-вариантда** топшириқлар сони 3тадан иборат бўлади, бироқ талабаларнинг фан бўйича маъруза машғулотларидаги иштироки ва ундаги фаоллиги даражаси ҳам инобатга олинади. Бунда 2та назарий савол ва алоҳида 1та амалий топшириқ қўйилади.

1-вариант

Ушбу вариантда топшириқлар сони 2тадан иборат бўлади. Бунда 2та назарий савол қўйилади, бироқ амалий шарти ҳар бир саволнинг ичида алоҳида сўралади.

Оралиқ назорат турини қабул қилишда улар қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ:

1 - топшириқ. Талабаларнинг фан бўйича назарий билим ва кўникмаларини баҳолаш. Бунда талабалардан назарий фан доирасида ўтилган мавзулар юзасидан белгиланган маълум бир назарий мавзунинг ёритиш талаб қилинади. Ушбу топшириқ албатта, икки қисмдан иборат

бўлиши лозим. Яъни топшириқнинг биринчи қисмида белгиланган мавзуни назарий нуқтаи назардан очиб бериш талаб қилинса, топшириқнинг иккинчи қисмида эса ушбу назарий мавзуни амалий жиҳатдан ифодаланишини намоён этиш талаб қилинади.

Шу сабабли ҳам бу топшириқни **назарий** ва **амалий** қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Топшириқнинг **назарий** қисмида талаба ўзининг назарий билимларини мустақил фикр юритиш қобилияти орқали намоён этади. Топшириқнинг **амалий** қисмида эса талаба фан ўқитувчиси томонидан тақдим этилган маълум бир амалий топшириқни бажариши лозим. Бунда амалий топшириқлар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Назарий билимларни синовчи “*мавзу доирасидаги тест саволлари*” шарти;
2. Назарий билимларни синовчи “*амалий топшириқ ва машқлар*” шарти.

2 – топшириқ. Талабаларнинг фан бўйича назарий билим ва кўникмаларини баҳолаш. (1-топшириқ шарти билан бир хил.)

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ (1-вариант учун)

№	Н а з о р а т ш а р т л а р и	Макс. балл	Назарий қисм учун	Амалий қисм учун:
1.	1-топшириқ. Талабаларнинг фан бўйича назарий билим ва кўникмаларини баҳолаш. (<i>Илова-М/2</i>)	15 балл	10 балл (<i>1та назарий саволни ёритиш учун</i>)	5 балл (<i>амалий машқлар ёки 10 та тест саволи учун*</i>)
2.	2-топшириқ. Талабаларнинг фан бўйича назарий билим ва кўникмаларини баҳолаш. (<i>Илова-М/2</i>)	15 балл	10 балл (<i>1та назарий саволни ёритиш учун</i>)	5 балл (<i>амалий машқлар ёки 10 та тест саволи учун*</i>)
	Жами ОН баллари :	30 балл	20 балл	10 балл

* Агар назоратнинг амалий қисми учун тест бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 5 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида 10 та тест саволи қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир тест саволи 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни $10 \times 0,5 = 5$.

* Агар назоратнинг амалий қисми учун амалий машқлар бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 5 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида амалий машқлар йиғиндиси таркиби 10 дона амалий машқдан иборат бўлиши шарт. Бунда ҳар бир дона амалий машқ учун 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни $10 \times 0,5 = 5$.

**ОРАЛИҚ НАЗОРАТНИ УМУМИЙ
БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (1-вариант учун)**

№	Назорат шартлари	Макс. балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ.	15 балл	0-8 балл	9-11балл	12-13 балл	14-15балл
2.	2-топшириқ.	15 балл	0-8 балл	9-11балл	12-13 балл	14-15балл
	Жами ОН баллари :	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

2-вариант

Ушбу вариантда топшириқлар сони 3тадан иборат бўлади. Бунда 2та назарий савол ва алоҳида 1та амалий топшириқ қўйилади.

Оралиқ назорат турини қабул қилишда улар қуйидаги назорат шаклларидадан фойдаланган ҳолда баҳоланиши мақсадга мувофиқ:

1 - топшириқ (биринчи назарий савол). **Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш.** Бунда талабалардан назарий фан доирасида ўтилган мавзулар юзасидан белгиланган маълум бир назарий мавзунини ёритиш талаб қилинади.

2 - топшириқ (иккинчи назарий савол). **Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш.** Бунда талабалардан назарий фан доирасида ўтилган мавзулар юзасидан белгиланган маълум бир назарий мавзунини ёритиш талаб қилинади.

3 – топшириқ (амалий топшириқ). **Талабаларнинг фан бўйича амалий кўникмаларини баҳолаш.** Ушбу топшириқда албатта, ўзлаштирилган назарий билим ва кўникмаларни амалда қўллай олиш қобилияти синаб кўрилади. Бунда талаба фан ўқитувчиси томонидан тақдим этилган маълум бир амалий топшириқни бажариши лозим. Бунинг учун амалий топшириқлар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Назарий билимларни синовчи “мавзу доирасидаги тест саволлари” шарти;
2. Назарий билимларни синовчи “амалий топшириқ ва машқлар” шарти.

**ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ
НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ (2-вариант учун)**

№	Назорат шартлари	Макс. балл
1.	1 - топшириқ (биринчи назарий савол). Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш. (Илова-М/2)	10 балл
2.	2-топшириқ (иккинчи назарий савол). Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш. (Илова-М/2)	10 балл
3.	3-топшириқ (амалий топшириқ). Талабаларнинг фан бўйича амалий кўникмаларини баҳолаш. (амалий машқлар ёки 20 та тест саволи*)	10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

* Агар **3-топширик**, яъни назоратнинг амалий қисми учун тест бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 10 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида 20 та тест саволи қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир тест саволи 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни **$20 \times 0,5 = 10$** .

* Агар **3-топширик**, яъни назоратнинг амалий қисми учун амалий машқлар бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 10 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида амалий машқлар йиғиндиси таркиби 20 дона амалий машқдан иборат бўлиши шарт. Бунда ҳар бир дона амалий машқ учун 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни **$20 \times 0,5 = 10$** .

ОРАЛИҚ НАЗОРАТНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (2-вариант учун)

№	Назорат шарти	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топширик	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2-топширик	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топширик	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами:	30 балл	0-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

3-вариант

Ушбу вариантда топшириқлар сони худди 2-вариантдаги каби 3тадан иборат бўлади (*2-вариант топшириқлари шартига қаранг*), бироқ унда талабаларнинг фан бўйича маъруза машғулотларидаги иштироки ва ундаги фаоллиги даражаси ҳам инобатга олинади. Шу сабабли топшириқларга ажратилган умумий 30 балл 3та топшириқ ва маърузадаги фаоллиги ва иштироки даражасига бўлинади.

Эслатма: Талабаларнинг маъруза машғулотларига қатнашиши ва ундаги фаоллиги каби ҳолатлар фақат оралиқ назоратида инобатга олинади ва бунинг учун 5 балл миқдорида балл ажратилади. Шу боисдан ёзма тарзда ўтадиган оралиқ назорат топшириқлари 25 балли тизимда баҳоланади

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ (3-вариант учун)

№	Назорат кўрсаткичлари	Максимал балл
1.	Маъруза машғулотларига қатнашганлик ва ундаги фаоллиги даражаси (<i>Илова-М/1</i>)	5 балл
2.	1-топшириқ (<i>биринчи назарий савол</i>). Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш. (<i>Илова-М/2</i>)	10 балл

3.	2- топширик (иккинчи назарий савол). Талабаларнинг фан бўйича назарий билим доирасини баҳолаш. (Илова-М/3)	8 балл
4.	3-топширик (амалий топширик). Талабаларнинг фан бўйича амалий кўникмаларини баҳолаш. (амалий машқлар ёки 14 та тест саволи*)	7 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл

* Агар **3-топширик**, яъни назоратнинг амалий қисми учун тест бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 7 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида 14 та тест саволи қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир тест саволи 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни **14 x 0,5 = 7**.

* Агар **3-топширик**, яъни назоратнинг амалий қисми учун амалий машқлар бажариш шарти танланса, амалий қисмга ажратилган 7 баллни тўғри тақсимлаш мақсадида амалий машқлар йиғиндиси таркиби 14 дона амалий машқдан иборат бўлиши шарт. Бунда ҳар бир дона амалий машқ учун 0,5 баллдан ҳисобланиши инобатга олинган, яъни **14 x 0,5 = 7**.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТНИ БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (3-вариант учун)

№	Назорат шарти	Макс. балл	100-86 %	85-71 %	70-55 %	54-0 %
1.	Маърузадаги фаоллиги даражаси	5 балл	5 балл	4 балл	3 балл	2-0 балл
2.	1-топширик	10 балл	10-9 балл	8 балл	7-6 балл	5-0 балл
3.	2- топширик	8 балл	8-7 балл	6 балл	5 балл	4-0 балл
4.	3-топширик	7 балл	7-6 балл	5 балл	4 балл	3-0 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл	30-26 балл	25-22 балл	21-17 балл	16-0 балл

◆ ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ

Якуний назорат турини қабул қилишда талабалар қуйидаги назорат шаклларида фойдаланган ҳолда баҳоланади. Бунда якуний назорат оғзаки шаклда қабул қилиниши инобатга олинган :

1 - топширик. Ўтилган мавзулар юзасидан маълум бир назарий мавзуни оғзаки тушунтириб бериш талаб қилинади.

2 – топширик Ўтилган мавзулар юзасидан маълум бир (иккинчи) назарий мавзуни оғзаки тушунтириб бериш талаб қилинади.

3 - топширик. Ўтилган мавзулар юзасидан маълум бир амалий топширикни бажариш талаб қилинади. Амалий топширикқа фаннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маълум бир матн парчаси устида ишлаш, яъни

берилган матн парчасини ўқитилаётган назарий фан нуқтаи назаридан таҳлил қилиш талаб қилинади. Шунингдек, айрим назарий фанлар бўйича маълум бир ситуацион вазиятлар ва уларнинг ечими бўйича оғзаки тушунтиришлар ҳам талаб қилинади. Бундан ташқари, фан ўқитувчиси ўзининг амалий малакаларидан фойдаланган ҳолда оғзаки қабул қилишга мўлжалланган бошқа турдаги амалий топшириқлардан фойдаланиши мумкин.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ БАЛЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

№	Назорат кўрсаткичлари	Максим. балл
1.	1-топшириқ бўйича билим савияси (<i>Илова-М/4</i>)	10 балл
2.	2- топшириқ бўйича билим савияси (<i>Илова-М/4</i>)	10 балл
3.	3-топшириқ бўйича билим савияси	10 балл
	Жами ЯН баллари :	30 балл

ЯКУНИЙ НАЗОРАТНИ БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

№	Назорат шарти	Максим. балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
1.	1-топшириқ (назарий)	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
2.	2- топшириқ (назарий)	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
3.	3-топшириқ (амалий)	10 балл	0-5 балл	6-7 балл	8 балл	9-10 балл
	Жами ОН баллари :	30 балл	1-16 балл	17-21 балл	22-25 балл	26-30 балл

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШНИНГ УМУМИЙ ТЕХНОЛОГИК ЖАДВАЛИ

Назорат турлари	Максимал балл	0-54 %	55-70 %	71-85 %	86-100 %
Жорий назорат -1	20 балл	0-10 балл	11-14 балл	15-17балл	18-20 балл
Жорий назорат -2	20 балл	0-10 балл	11-14 балл	15-17балл	18-20 балл
Оралиқ назорат	30 балл	0-16 балл	17-21 балл	22-25балл	26-30 балл
Якуний назорат	30 балл	0-16 балл	17-21 балл	22-25балл	26-30 балл
Жами:	100 балл	0-54 балл	55-70 балл	71-85 балл	86-100 балл

Э С Л А Т М А Л А Р :

Эслатма -1: Фан ўқитувчиси ўзининг дарс ўтиш технологияси ёки фан учун танланган асосий дарсликнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда назорат шаклларига ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин.

Эслатма -2: Назорат турлари учун ажратилган 30 баллнинг тақсимланиши топишириқлар сони ва савиясига кўра турлича бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда фан ўқитувчисининг ўзи назорат учун ажратилган 30 баллдан ҳар бир топшириққа белгиланган улушининг “1-54 %”, “55-70 %”, “71-85 %” ва “86-100 %” кесимидаги баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши шарт.

Эслатма -3: Назорат шартлари иккала семестр ёки иккала курс учун ҳам бир хил бўлган ҳолларда ундаги материаллар семестрлар ва курслар бўйича ўтилган мавзуларга қараб турлича бўлиши шарт.

Эслатма-4 : Айрим топшириқлардаги тест саволлари сонининг аниқ рақамлар остида берилиши ушбу топшириққа ажратилган баллнинг миқдорига боғлиқ ва бу ҳолат топшириқни тўғри баҳолашга ёрдам беради. Шу сабабли тест топшириқларини тузишда кўрсатилган аниқ рақамга амал қилиш лозим.

Эслатма-5 : Талабаларнинг маъруза машғулотларига қатнашиши ва ундаги фаоллиги каби ҳолатлар фақат оралиқ назоратида инobatга олинади ва бунинг учун 5 балл миқдорида балл ажратилади. Шу боисдан ёзма тарзда ўтадиган оралиқ назорат топшириқлари 25 балли тизимда баҳоланади

Эслатма-6: Талабалар назоратларга киришда албатта, назорат карточкаси билан кириши шарт (**Илова-9, Илова-10**). Назорат карточкалари ёзма ишнинг ичига илова қилинган ҳолда топширилади. Назорат оғзаки тарзда ўтказилганда назорат жараёнида талабанинг жавоб бериши давомида тўлдириб борилади. Назорат карточкаси 2тадан кам бўлмаган комиссия аъзоси томонидан имзоланган тарзда кафедрага топширилади. Агар назорат ёзма шаклда қабул қилинган бўлса, назорат карточкаси ёзма ишнинг ичига илова қилинади. Уларнинг кафедрада сақланиш муддати 1 йил.

Эслатма-7 : 9-10 иловада тавсия этилган назорат карточкалари ушбу баҳолаш мезонида келтирилган назорат шакллари асосида тузилган. Агар фанлар бўйича бирор бир назорат шакли ва унга ажратилган баллар миқдори ўзгартирилса, ушбу назорат карточкаларидан фойдаланиш мумкин эмас. Негаки, бундай ҳолларда ўзгартирилган назорат шаклига мос келадиган алоҳида тарздаги назорат карточкасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Эслатма-8 : Назарий фанлар бўйича тавсия этилган назорат турлари фақат хорижий тилда ўтиладиган назарий фанлар учун ишлаб чиқилган. Бинобарин, уларнинг баҳолаш мезонида талабанинг назарий мавзуни хорижий тилда тушунтира олиш қобилияти инobatга олинган.

**МАЪРУЗА ЎҚИЛАДИГАН ФАНЛАРНИНГ
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА
И Л О В А Л А Р**

Илова-М/1

**Маъруза машғулотларига қатнашиш фаолиятини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ (5 балли тизим учун)**

Фоииз	Баҳолаш шарти	Балл
I. Маърузага қатнашиш даражаси (2 балл)		
“100-86 %”	Маъруза машғулотларига 100 % қатнашган.	2,0 -1,6 балл
“85-71 %”	Маъруза машғулотларига 1 марта қатнашмаган. (Сабабининг аҳамияти йўқ)	1,5 – 1,1 балл
«70-55 %”	Маъруза машғулотларига 2 марта қатнашмаган. (Сабабининг аҳамияти йўқ)	1,0 – 0,6 балл
“54-0 %”,	Маъруза машғулотларига 3 ёки ундан кўп марта қатнашмаган. (Сабабининг аҳамияти йўқ)	0,5 -0 балл
II. Маърузадаги фаоллиги даражаси (3 балл)		
“100-86 %”	Маъруза машғулотлари вақтида доимо фаол. Мунозараларда доимо иштирок этади.	3,0 - 2,4 балл
“85-71 %”	Маъруза машғулотлари вақтида фаоллиги сезилиб туради. (Доимий равишда эмас). Мунозараларда тез-тез қатнашаиб туради.	2,3 – 1,6 балл
«70-55 %”	Маъруза машғулотлари вақтида қисман фаол. Айрим ҳолларда мунозарага аралашади.	1,5 – 0,8 балл
“54-0 %”,	Маъруза машғулотлари вақтида умуман фаол эмас. Мунозараларга умуман қатнашмайди.	0,7 -0 балл

**Назарий фикрни ёзма ифода этиш компетенциясини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ (10 балли тизим учун)**

Фоииз	Баҳолаш шарти	Балл
I. Мавзу бўйича тушунчага эгалик даражаси (3 балл)		
“100-86 %”	Мавзу бўйича тўлиқ тушунчага эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли тўлиқ мос келади.	3,0 - 2,4 балл
“85-71 %”	Мавзу бўйича фақат зарурий тушунчаларга эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазиунига кўп ҳолларда мос келади.	2,3 – 1,6 балл
«70-55 %”	Мавзу бўйича қисман тушунчага эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига кўпинча мос, лекин ифода мазмуни жуда қисқа	1,5 – 0,8 балл
“54-0 %”,	Мавзу бўйича умуман тушунча йўқ. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли мос эмас.	0,7 -0 балл
II. Фикрни ёзма ифодалашда грамматик қоидаларга амал қилиши (3 балл)		
“100-86 %”	Ҳар хил содда ва қўшма гаплар турларини ишлата олади. Қўшма гаплар тузишда хатоликларга йўл қўйиши мумкин, лекин улар мазмунга таъсир қилмайди.	3,0 - 2,4 балл
“85-71 %”	Содда гапларни тўғри қўллай олади Қўшма гапларнинг чекланган шакллари ни ишлатади, қўшма гапларда хатоликлар мавжуд ва бу хатоликлар мазмунга таъсир қилган	2,3 – 1,6 балл
«70-55 %”	Содда гапларни тўғри ишлата олган, лекин қўшма гаплар жуда кам учрайди. Хатолар кўп ва улар маънони тушунишга халақит беради.	1,5 – 0,8 балл
“54-0 %”,	Содда гаплар билан ифодалашга ҳаракат қилган, кўпинча такрор маълумотлар берилган. Кўп сонли грамматик хатоликларга йўл қўйган	0,7 -0 балл
III. Мавзу доирасидаги лексик бойлиги (2 балл)		
“100-86 %”	Сўз бойлиги катта, мавзуни бемалол очиб бера олади ва фикрини етказиб бера олади	2,0 -1,6 балл
“85-71 %”	Сўз бойлиги чекланган. Бироқ мавзу ёритилган.	1,5 – 1,1 б
«70-55 %”	Мавзу доирасидаги оддий ҳолатлар ифодаланган ва сўз танлашда хатоликларга йўл қўйган.	1,0 – 0,6 балл
“54-0 %”,	Жуда оддий оддий сўзларни ишлатган. Мавзуни ифодалаш учун сўз бойлиги етарли эмас	0,5 -0 балл
IV. Орфографик (имловий) малакаси (2 балл)		
“100-86 %”	Талабанинг орфографик малакаси аъло .	2,0 -1,6
“85-71 %”	Талабанинг орфографик малакаси яхши .	1,5 – 1,1
“70-55 %”	Талабанинг орфографик малакаси ўртача .	1,0 – 0,6
“54-0 %”,	Талабанинг орфографик малакаси ёмон .	0,5 -0

**Назарий фикрни ёзма ифода этиш компетенциясини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ (8 балли тизим учун)**

Фоииз	Баҳолаш шарти	Балл
I. Мавзу бўйича тушунчага эгалик даражаси (2 балл)		
“100-86 %”	Мавзу бўйича тўлиқ тушунчага эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли тўлиқ мос келади.	2,0 -1,6 балл
“85-71 %”	Мавзу бўйича фақат зарурий тушунчаларга эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига кўп ҳолларда мос келади.	1,5 – 1,1 балл
«70-55 %”	Мавзу бўйича қисман тушунчага эга. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига кўпинча мос , лекин ифода мазмуни жуда қисқа	1,0 – 0,6 балл
“54-0 %”,	Мавзу бўйича умуман тушунча йўқ. Ёзма иш мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли мос эмас.	0,5 -0 балл
II. Фикрни ёзма ифодалашда грамматик қоидаларга амал қилиши (2 балл)		
“100-86 %”	Ҳар хил содда ва қўшма гаплар турларини ишлата олади. Қўшма гаплар тузишда хатоликларга йўл қўйиши мумкин, лекин улар мазмунга таъсир қилмайди.	2,0 -1,6 балл
“85-71 %”	Содда гапларни тўғри қўллаш олади Қўшма гапларнинг чекланган шакллари ни ишлатади, қўшма гапларда хатоликлар мавжуд ва бу хатоликлар мазмунга таъсир қилган	1,5 – 1,1 балл
«70-55 %”	Содда гапларни тўғри ишлата олган, лекин қўшма гаплар жуда кам учрайди. Хатолар кўп ва улар маънони тушунишга халақит беради.	1,0 – 0,6 балл
“54-0 %”	Содда гаплар билан ифодалашга ҳаракат қилган, кўпинча такрор маълумотлар берилган. Кўп сонли грамматик хатоликларга йўл қўйган	0,5 -0 балл
III. Мавзу доирасидаги лексик бойлиги (2 балл)		
“100-86 %”	Сўз бойлиги катта , мавзунинг бемалол очиб бера олади ва фикрини етказиб бера олади	2,0 -1,6 балл
“85-71 %”	Сўз бойлиги чекланган. Бироқ мавзу ёритилган.	1,5 – 1,1 балл
«70-55 %”	Мавзу доирасидаги оддий ҳолатлар ифодаланган ва сўз танлашда хатоликларга йўл қўйган.	1,0 – 0,6 балл
“54-0 %”	Жуда оддий оддий сўзларни ишлатган. Мавзунинг ифодалаш учун сўз бойлиги етарли эмас	0,5 -0 балл
IV. Орфографик (имловий) малакаси (2 балл)		
“100-86 %”	Талабанинг орфографик малакаси аъло .	2,0 -1,6
“85-71 %”	Талабанинг орфографик малакаси яхши .	1,5 – 1,1
«70-55 %”	Талабанинг орфографик малакаси ўртача .	1,0 – 0,6
“54-0 %”,	Талабанинг орфографик малакаси ёмон .	0,5 -0

**Назарий фикрни оғзаки ифода этиш компетенциясини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ (10 балли тизим учун)**

Фоииз	Баҳолаш шарти	Балл
I. Мавзу бўйича тушунчага эгалик даражаси (3 балл)		
“100-86 %”	Мавзу бўйича тўлиқ тушунчага эга. Сўзлаш жараёни мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли тўлиқ мос келади.	3,0 - 2,4 балл
“85-71 %”	Мавзу бўйича фақат зарурий тушунчаларга эга. Сўзлаш жараёни мазмуни берилган мавзу мазмунига кўп ҳолларда мос келади.	2,3 – 1,6 балл
«70-55 %”	Мавзу бўйича қисман тушунчага эга. Сўзлаш жараёни мазмуни берилган мавзу мазмунига кўпинча мос , лекин ифода мазмуни жуда қисқа	1,5 – 0,8 балл
“54-0 %”,	Мавзу бўйича умуман тушунча йўқ. Сўзлаш жараёни мазмуни берилган мавзу мазмунига деярли мос эмас.	0,7 -0 балл
II. Сўзлаш жараёнида грамматик қоидаларга амал қилиши (3 балл)		
